

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



ЎСИМЛИКЛАР
СИСТЕМАТИКАСИДАН
АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

[ўқув қўлланма]

ТОШКЕНТ – 2004

Тақризчи: б.ф.д., профессор Ў.П.Пратов

Тузувчи: б.ф.н., доц. Тошмухамедов Рихсибай Илғосович.
Үсимиликлар систематикасидан амалий машгүлөтлар
[Педагогика университети талабалари учун ўқув қўланма]

Олий ўқув юртлариаро илмий, услубий бирлашмалар фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 35 – сонли мажлиси
томонидан нашрга тавсия этилган.

СҮЗ БОШИ

"Таълим түгриси"даги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" яратилиши таълим соҳасидаги қатор муаммоларни ечиш ва уларни тубдан ислоҳ қилиш, юксак маънавий ва ахлоқий юқори малакали кадрлар тайёрлашга асос солди. Шунингдек, Олий таълимнинг янги тизимини ва мазмунини шакллантиришда таълим беришининг илғор педагогик технологиялари, замонавий ўқув услугубий мажмуаларни яратиш ва ўқув тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш зарурлиги ҳам эътироф этилди.

Ботаника курси биология мутахассисларини тайёрлашда муҳим рол ўйнайди. Бунда талабалар ўсимликлар оламининг - табиий бойликларимизнинг тури туманлигини ўрганиш орқали уларнинг систематик белгиларини таққослаш, таксономик бирликларини ўрганиш, шунингдек табиатдаги мураккаб ўзаро таъсир ва боғланишлар ҳақидағи билимларни шакллантирадилар.

Ўсимликлар систематикасидан лаборатория машгулолтлари давомида талаблар тубан ва юксак ўсимликларнинг энг муҳим систематик гурухлари вакиллари билан танишадилар, уларнинг тузилиши, тарқалиши ва аҳамиятини урганадилар.

Мазкур қўлланма талабларнинг лаборатория машгулолтлари давомида ишни мустақил бажаришга, фикрлашга, хуносалар чиқаришга ва силимларни тиклашга қаратилгандир.

ўқитувчи талабаларга, айниқса, ёпиқ уругли ёки гулли ўсимликлар турларини аниқлашда маҳаллий материалларни тўғри танлаши ва аниқлагичлардан фойдаланиш йўлларини ўргатиши лозим.

Кейинги 10 йиллар давомида "Ботаника курсидан амалий машғулот" ўқув қўлланмаси яратилмаган ва Ҳозирги кунда амалда фойдаланилаётган янги дастурга мувофиқ ўсимликлар дунёсининг классификацияси, айниқса юксак ўсимликлар қисмида, анча ўзгаришлар мавжуд. Шунинг учун ҳам, янги дастур талабига жавоб берадиган ўқув қўлланмалар яратиш шу кунимизнинг долзарб масалаларидан биридир.

Мазкур қўлланма ҳақида мутахассисларнинг фикр мулоҳазалари, қўшимчалари бўлса муаллиф албатта ўрганиб инобатта олади ва уларга самимий миннатдорчилик билдиради. Фойдали, илмий таклифлар кейинги нашрларда ҳисобга олинади.

Ўсимликларнинг лотинча номларини ўқиш қоидалари.

Лотин тили – бутун жаҳон илмий терминологик тили булиб, фақат биология фанларидағина эмас, балки турли бошқа табиий фанларда ҳам кеңг күлланилади.

Шунинг учун ҳам биология мұтхассисліги буйича укиёттән Олай үкүв юрти талабалари ўсимликларнинг лотинча номларини түгри ўқый билишлари ҳамда асосий табиий ва маданий ҳолда ұсуви үсимликларнинг лотинча номларини эсда сақлаб қолышлари зарур.

Шулар инобатта олинган ҳолда, қуйида үсимликларнинг лотинча номларини түгри ўқиши ва ёзишга қаратылған баъзи бир маълумотларни беришни мақсадда мувофиқ деб билдик.

1. Лотин алфавити.

Босма ҳарфлар	Ёзма ҳарфлар	Ҳарфлар номи
A a	A a	А
B b	B b	Бе
C c	C c	Це
D d	D d	Де
E e	E e	Е
F f	F f	эф
G g	G g	же
H h	H h	Ейч
I i	I I	И
J j	J j	Иот
K k	K k	Ка
L l	L l	Эл
M m	M m	Эм
N n	N n	Эн
O o	O o	О
P p	P p	Пэ
Q q	Q q	Кю
R r	R r	Эр
S s	S s	Эс
T t	T t	Тэ
U u	U u	У
V v	V v	Ве
W w	W w	Дубль-ве
X x	X x	Икс
Y y	Y y	Игрек
Z z	Z z	Зет

Харф ёки биргали к	Талаффуз этилиши	Қандай ҳолларда учрайди	Мисол
A	А	Күп ҳолларда	Agropyon- агропирон
ae	Э	Күп ҳолларда	Peonia- пэония
	аэ	Бу ҳолда е ҳарф устига икки нұқта құйилади.	Aenlus-аэнлус
B	б	Ҳар доим	Beta- бэта
C	ц	E,I,y,ae,oe,- олдин	Cerasus-церасзус
	к	Бошқа ҳоллarda	Communis-коммунис
ch	х	Барча ҳолларда	Corchorus-корхорус
D	д	Барча ҳолларда	Daucus-даукс
E	э	Барча ҳолларда	Dens-дэнс
F	ф	Барча ҳолларда	Fagopyrum- фагопиум
G	ғ	Барча ҳолларда	Fragaria-фрагария
H	Х ёки Г – юмшок	Күп ҳолларда	Humulus-хумулус
	хилмайд и	Rh, gh, th-биргаликда келса	Hordeum-гордеум Rheum-рэм Theobroma-теоброма
I	и	Сүз бошида ушдош ҳарф. Кейин	Glycine-глицинэ
	й	Унли ҳарфдан сұнг	Dioica-диойка
J	й	Күпчилик ҳолларда	Juniperus-йунипэрүс
K	қ	Барча ҳолларда	Kochia-кохия
L	л	Барча ҳолларда	Salsola-салсола
M	м	Барча ҳолларда	Malva-малва
N	ң	Барча ҳолларда	Prunus-прунус
O	о	Күпчилик ҳолларда	Trifolium-трифолиум
Oe	ә	Күпчилик ҳолларда	Oenothera-энотэра
	оә	Бундай ҳолларда «е» устига икки нұқта құйилади	Aloe-алоэ
P	п	Күпчилик ҳолларда	Pyrus-пирус
Ph	ф	Барча ҳолларда	Phacelia-фацелия
Q		Фақаттгина qu бир гал. Құлланилади.	
Qu	кв	Барча ҳолларда	Equisetum-эквицэтум

R	p	Барча ҳолларда	Sorbus-сорбус
S	с	Күпчилик ҳолларда	Ribes-рибэс
	з	Икки унли орасида ва т,н,г билин биргаликда.	Rosa-роза
sch	сх	Барча ҳоллада	Schiandra-схизандра
T	т	Барча ҳолларда	Triticum-тритикум
ti	ци	Унлилардан олдин, s,x,t-дан кейин эмас.	Nicotiana-никоциана
U	y	Күпчилик ҳолларда	Rubus-рубус
	v	q- сүнг ва ақи биргаликда келганды.	Aquilegia-аквилегия
V,W	v	Барча ҳолларда	Vicia-вициа
X	ке	Барча ҳолларда	Carex-карэкс
Y	и	Барча ҳолларда	Oryza-ориза
Z	з	Күпчилик ҳолларда	Zea-зза

Үсімліклар систематикаси

I. Тубан үсімліклар (Thallobionta)

Тубан үсімліклар танаси илдиз, поя барг каби қисмларга бүлинмаган ва турлы вазифаны бажаришга мослашган тұқималарға эта бұлмай, бир хил тузилишдаги талломға зә. Улар бир ҳужайрали, колония, күпхужайрали ёки ҳужайрасиз тузилишга зә бұлиши мүмкін.

Жинсий күпайиш органи - оогоний ва антеридийлар бир ҳужайрали.

1 мавзу. КҮК-ЯШИЛ ЁКИ ЦИАН СУВ ҮТЛАР БҰЛИМИ (Cyanophyta).

Керакли материаллар. Осциллятория (Oscillototria) носток (Nostoc) ва бошқа күк-яшил сувұтлар вакил, (сувили банкаларда лойи билан). Доимий микропрепаратлар, спиртда фиксацияланған ностокнинг шилемшиқлашған шарлари

УМУМИЙ ТУШГУНЧА

Күк-яшил сувұтлар-содда тузилишга зә бұлған бир ҳужайрали, конония ҳолда яшовчи (1-расм) ёки күп ҳужайрали прокариот организмлардир.

Улар ҳужайрасын тұлиқ шакланған ядро (магиз) митохондрий, пластид ва вакуололарга зә эмас. Ранги яшил-хлорофил ва күк-фигоциан пигментлар нисбатига болға.

Шу билан бирға оз бұлсада қызыл фикроэритрин ва құнгир-каротиноид пигментларға ҳам зә. Бу сувұтлар озиқланиши-автотроф (фотосинтез) ва гетеротроф (атроф мұхитдан органик моддаларни олиш йүли билан)дир.

Күпайиши асосан жинссиз ва вегетатив йүл билан боради.

Жинсий күпайиш кузатылмайды. Бу сувұтлар вакиллари оқар ва ифлосланған сувларда, зах тупроқларда, дараахт пүстлоқларида, қояларда ва иссиқ сув манбаларида кенг тарқалған.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Микроскоп остида осциллятория ва носток сувұтларини күриш, тузилиши билан танишиш.
2. Кузатылған объектларни албомға чизиш ва қисмларини күрсатиши.

ИШ ТАРТИБИ

Носток (ёпишқоқ, шилимшиқсимон шарчалар) олхұры мөвасига үхшаш кетталықда бұлиб яшил-күк, түқ-күк, баъзан эса құнгир рангли бұлади.

Игна билан шилимшиқ массасыннан кичкина бұлаги олиниб, бир томчи сувда препарат тайёрланади. Катта объективда күп сондаги зәгрі-бутри занжир шактады юмалоқ, күк-яшил хужайралар күрінади. Үнда оддий ҳужайралар билан биргә, қалин деворли ва оддий ҳужайраларға нисбатан кеттароқ, құнгир рангли ҳужайралар ҳам учрайди. Улар гетероциста-деб атала迪 ва шу ердан ҳужайралар занжирі алоқида бұлакчаларға - ғормогонияларға бўлиниб, вегетатив күпайиши кузатилади.

Осцилляторияни күпинча аквариумлар деворларидан бошқа сувұтлар билан биргалиқда учратиш мумкин. Нина воситасыда осциллятория мавжуд бўлган қобиқдан бир томчи сувли препарат ойнасига қойиб, препарат тайёрлаб, аввал кичик, сұнгра катта объективда кузатилади. У ингичка күк-яшил ипчалардан иборат бўлиб, ҳатто кичик күзгуда кузатилганда ҳам уларнинг тебранаётганилгини кузатиш мумкин. Улар ҳаракати, ҳужайранинг протопектинли деворчаси ажратадиган шилимшиқ модда ҳисобыга бўлади.

Катта объективда ҳар қайси ипча күп сондаги майдың, бир хилдаги ядросиз, хроматофорасиз ҳужайралардан иборат эканлиги кузатилади. Үнда ички, нисбатан тиник бўлган ҳужайра қисми нуклеин кислоталари центроплазия деб, ҳам юритилади ва ташқы томонидаги нисбатан қорароқ пигментлар-хроматоплазма деб юритилади. Цитоплазманинг усткы қаватида эса, майды гликоген доначалари ҳам кузатилади.

Күк яшил сувұтларининг шунингдек анабена (*Anabena*) спириулина (*Spirulina*), хроококк (*Chroococcua*) каби туркүмлар күп учрайди.

МУСТАЖКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Тубан үсимликлар эволюциясида күк яшил сувұтлари қандай үрин әгаллайды?
2. Тана тузилишининг үзига хослиги?
3. Күк-яшил сувұтлар деб аталишига қандай пигментлар сабабчи?
4. Күк-яшил сувұтлари қандай усулда күпаяди?

5. Бұлым сувұтлари қандай мұхитда тарқалған ва озиқланади?

2 мавзу. ЯШИЛ СУВҰТЛАР БҮЛИМИ (Chlorophyta)

Керакли материаллар: Тирик сув үтлари хламидомонада (Chlomydomonas), хлорококк (Chlorococcum), хлорелла (Chlorella) ва бошқалар.

Доимий микропрепаратлар, калий йодит ва йод эритмалари.

УМУМИЙ ТУШУНЧА

Яшил сувұтлар талломи бир ұжайрали, колониялы, күп ұжайрали ёки ұжайрасиз булиб, ҳаракатчан формаларида маңсус ҳаракат органдары ҳисобланған - иккита, баъзан тұртқа бир хил шактады ва катталиқдаги хивчанларға зәға бұлади. Ұжайралар асосан бир ядроли (магиз), хроматофоралари (хлорофласт) яшил булиб күпчилик ҳолларда хилма-хил шактады, катталиқдаги ва сондаги пиреноиддарға зәға.

Запас моддалар ёғ ва крахмал ҳолда тұпланади.

Күпайиши - вегетатив, жинссиз ва жинсий.

Бұлым 15000 га яқын турға зәға булиб, хилма-хил экологик мұхитда учратиш мүмкін.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Микроскоп воситасида вольвокссионлар синфидағы хламидомонадани, протококксимонлардан эса хлореллани күзатиб, уларнинг тузилиши ва күпайиши усулларини таққослаш.

2. Күзатилғанларни чизиб олиш ва қисмларини белгилаш.

ИШ ТАРТИБИ

Хламидомонада түркүми вакиллари асосан сайёз, ифлосланған сув қавзалағыда, күлмекларда яшаб, сувнинг "тұллаши"ға сабабчи бұлды. Күзатилаёттан сувұти бұлған сувдан бир томчи олиб, буюм ойнасига қуйилади ва қоллагич ойна билан ёпиб микроскопнинг аввал кичик сұнгра катта объективида күзатилади. Микроскоп остида, талломи бир ұжайрали иккита хивчинға зәға бұлған турли хламидомонадалар ҳаракати күзатилади. (2-расм).

Микроскопнинг катта күзгусида доимий бұялған препарат күзатилғанда ұжайраннинг ноксимон шактадалиги,

унинг учки қисмида иккита хивчин борлиги, хроматофорасининг эса косачасимон шаклда бўлиб, унинг пиреноид ва стигма (қизил кузча)сининг борлигини кўрамиз. Цитоплазмада ядро ва вакуолалари жойлашган.

Жинссиз купайиш даврида ҳужайра протопласти 2-8 қисмга бўлиниб, улардан зооспорлар шаклланади. Сув хавзалари кўриб қолиши вақтида, ҳужайра хивчинларини ташлаб, шилимшиқ модда ажаратади ва бу ҳолда улар бўлиниш хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда ҳужайралар тўдасини ҳосил қиласди. Жинсий купайиш жараёни эса изогамия, гетерогамия, оогамия. Баъзи вақтларда қўшилаётган гаметалар препаратларда ҳам кузатилади. Жинсий купайишида ҳам, ҳужайра протопластининг бўлиниши натижасида гаметалар ҳосил бўлади. (3-расм).

Колония ҳолда яшовчи ваклларига мисол қилиб вольвоксни олиш мумкин. Колонияда 70-75 мингта яқин ҳужайралар бўлиши мумкин.

Жинсий купайиши оогамия типида ўтади.

Хлорококни эса дарахтларнинг нам пўстлоқларида учратиш мумкин. Препарат тайёрлаш учун пўстлоқнинг яшил губор қисмидан игна ёрдамида қириб олинниб, бир томчи сув бўлган буюм ойнасига қўйиб, микроскоопда кузатилса, шарсимон шаклдаги яшил хлорококк ҳужайралари кузатилади. Баъзи вақтда зооспоралар ҳосил бўлиши ҳам кузатилади (4-расм).

Хлорелла табиатда асосан нам тупроқларда дарахт пўстлоқларида ва шунингдек чучук сув хавзаларида учрайди. Пипетка ёрдамида бир томчи хлорелла бўлган сув олиб препарат тайёрланади. Катта кўзгуда шарсимон яшил хлорелла ҳужайралари кузатилади ва у хлорококк билан тақдосланилади. Хлорелланинг асосий фарқи жинссиз купайиш жараёни ҳаракатсиз споралар (5-расм) (автоспораларга ўхшашиб) воситасида ўтишидир.

Хлорелла арzon, оқсилга бой озуқа сифатида алоҳида аҳамиятта эга. Кўпгина давлатларда маданий ҳолда ўстирилади.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Яшил сувѓулар бўлими ваклларининг ҳужайра тузилишидаги ўзига ҳос хусусиятлари?
2. Бўлим вакилларида қандай купайишлар кузатилади?
3. Хламидоманада ва вольвоксларда жинсий купайиш қандай ўтади?

З мавзу. УЛОТРИКССИМОНЛАР ВА КОНЪЮГАТСИМОНЛАР СИНФИ (Ulothrichophyceae ва Conjugatae)

МАТЕРИАЛЛАР. Тирик сувұтлар улотрикс (Ulothrix) спирогира (Spirogyra) ва бошқа бир ҳужайрали конъюгатлар - сув банкада лойи билан. Доимий препаратлар - конъюгациянинг турли күринишларида. Йод эритмаси ва KI.

УМУМИЙ ТУШУНЧА

Улотрикс, улотрикснамолар қабиласига мансуб бұлиб, асосан тез оқар сувлардаги тош ёки бошқа жисмларга ёпишган ҳолда учрайди.

Унинг шохланмаган оддий или бир-бирига үшаш қалин пұстли ҳужайралардан иборат. Хроматофорининг тузилиши ўзига хос бұлиб, икки чети бир текис қайрилган пластинкасimon ҳалқани ҳосил қиласы. Талломи күп ҳужайрали бұлиб, ҳар ҳужайрада биттадан ҳужайра магзи булади. Хроматофорда бир неча пиреноидлар кузатиш мүмкін. У субстротта понасимон, рангсиз-ризоидлар воситасыда ёпишади.

(б-расм)

Жинсий ва жинссиз йұллар билан күпаяди. Зооспорлар 4 тадан хивчинга эта бұлса, гаметалар эса 2 тадан хивчинга эта бұлади.

Конъюгатсимонлар синфи вакиллари бир ҳужайрали (клasterium) ва күп ҳужайрали (спирогира) одий ипсисимон сувұтларидир. Улар асосан чучук сув хавзаларида, тұхтаб қолған сувларда учрайди.

Лентасимон спирал шаклда жойлаштан хроматофораси билан бошқа вакиллардан фарқлаш мүмкін (7-8 расм).

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Микроскоп остида улотрикссимонлар синфи вакили - улотриксни кузатиш.
2. Талломнинг умумий тузилиши, ҳар бир ҳужайра ва унинг қисмларини аниқлаш.
3. Күпайиш усулларини таққослаш. Күзатилған (күрганларни)ларни чизиб олиш ва уларни ифодалаш.

4. Микроскоп остида Зигнеманамолар қабиласи вакили спирогиранинг тузилиши ва ундаги конъюгация жараёнларини кузатиш, албомга чизиб олиб, ифодалаш.

ИШ ТАРТИБИ:

1. Сув хавзасидан келтирилган улотрикснинг ипсимон талломи микроскоп остида кузатилади.

Препаратдан улотрикснинг субстратта ёпишадиган ризоиддари, целлюлозали пўст билан қопланган цилиндрисимон ҳужайраси топилиб, ички тузилиши ўрганилади. Хроматофорининг устки қисмида оқ додлар шаклидаги ширеноидлар кўринади. Хроматафор орқасида битта ҳужайра магизи жойлашган бўлиб, у кўринмайди.

Препаратларни силжитиб жинссиз ва жинсий кўпайиш жараёнларини ҳам кўриш мумкин. Таллом, ҳужайраларнинг кўндалангига бўлиниши хисобига узая беради.

Микроскопнинг катта обьекти орқали баъзи ҳужайраларда зооспоралар ҳосил бўлаёттанини ҳам кузатиш мумкин. Ҳар бир улотрикс ҳужайраси зооспорлар (4 хивчинли) ёки гаметалар (2 хивчинни) ҳосил қилиш хусусиятига эга.

Жинсий кўпайиш изогамия йўли билан ўтади. Шунингдек, буларда гетероталлизм ходисаси кузатилади. Жинсий гаметалар қўшилиб зигота ҳосил қиласди.

2. Спирогира зигнеманамалар қабиласига мансуб, бўлиб оддий, кўп ҳужайрали ипсимон сувўти бўлиб, кўпроқ кладофора билан бирга учраб рангининг бирмунча тўклиги билан ундан фарқ қиласди.

Спирогирани лупада қараб, шилимшиқ гилоф билан қопланганлиги сабабли шиллиқ эканлитигини қўл билан ушлаб кўриб сезилади.

Буюм ойнасидаги сув томчисига спирогиранинг 1-2 та или қўйилиб, сўнгра усти қоплагич ойна билан ёшилади. Микроскопнинг кичик обьективи орқали спирогира ҳужайрасининг тузилиши кўрилади ва расми чизиб олинади. Бунда спирогира ипининг умумий пўсти, ҳужайра пўсти девор бўйлаб жойлашган, ичида спираль шаклида буралган лентасимон хроматофори бўлган протоплазма аниқланади. Баъзан улар ҳужайрасида крахмал билан ўраб олинган, бир-бирига қарама-карши жойлашган бир қанча йирик ширеноидлар бўлади. Ҳужайра ядроси протоплазма ипларига осилган ҳода ҳужайра марказида

турати. Бу ядро, хроматофор борлигидан баъзан кўринмайди. Ядрони яхши кўриш учун препараторнинг қоплагич ойнаси остига калий йодид эритмаси томизиш керак. Ядро тилласимон рангга бўялади. У катта объективда кўрилади. Шу вақтда калий йодид билан бўялган пиреноидларни аниқдаш лозим.

Хужайранинг оддий бўлинини туфайли спирогира иши ўса боради.

Маълум шароитда сақланган спирогирада конъюгация ходисасини кўриш мумкин. Бунда иккита иш ёнма-ён жойлашади. Ҳар бир ҳужайранинг протопласти қўшни ҳужайра томон ўсиқ (бўртма) ҳосил қиласди. Бу вақтда ҳар қайси ҳужайрадаги протопласт бир жойга тўпланади ва ўсиқлар бир-бирига бориб еттандан сўнг бир ҳужайрадаги протопласт иккиси ҳужайрага қўйилади, ишларнинг бири бўш қолади, иккинчисида эса зигота ҳосил бўлади ва у қалин пўст билан ўралади.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Улотрикссимонлар синфининг яна қандай вакилларини биласиз?
2. Уларнинг тузилишида ва кўпайишида қандай ўхшашлик ва фагуллар бор?
3. Гетероталлизм ходисаси нима?
4. Зигнеманинг спирогирадан фарқи нимада?
5. Кластериум билан спирогирада кузатиладиган конъюгациялардаги фарқи нимада?

4 мавзу. САРИҚ-ЯШИЛ (*Xanthophyta*) ВА ХАРА (*Charophyta*) СУВЎТЛАР БЎЛИМИ

1-иш Керакли материаллар. Тирик ва фиксацияланган сувўтлар-ботридий ва вошерия, уларнинг доимий препаратлари ва бошқалар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Сариқ-яшил сувўтлар талломи бир ҳужайрали, кўп ҳужайрали, ҳужайрасиз ёки колония ҳолда бўлади. Буларнинг ўзига хос хусусияти харакатланадиган вакилларида ҳар хил узунлиқдаги, шаклдаги иккита

хивчинларнинг бўлинишидир (бири калта силлиқ, иккинчиси узун пастсимон).

Хлоропластларида кўп сондаги каротиноидлар бўлиб, талломга сариқ ранг беради. Запас моддалар томчи мой шаклида тўпланади.

Бўлим 2,5 минг турга эга.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Лупа ёрдамида ботридий ва вошериянинг ўсиш ҳолатини кўриш ва таққослаш.
2. Микроскоп воситасида вошёриянинг ташқи тузилиши билан танишиш, жинсий кўпайиш органларини кузатиш.
3. Кузатилган сувўтлари расмларини чизиш ва изохлаш.

ИШ ТАРТИБИ:

Препаровал нина билан субстратдан битта ёки иккита ипни эҳтиёткорлик билан тортиб олиб, буюм ойнасида бир томчи сувга қўйиш ва устини қоплагич ойна билан ёпиш лозим. Вошерия ипининг ҳаммаси микроскоп окулярининг кўриш нуқтасига сигмаслиги сабабли унинг субстратта бирикадиган шохланган ризоидинигина топиб, препарат тайёрлаш керак.. Ундан сўнг унинг ҳужайрасиз тузилишини аниқлаш лозим. (9-расм)

Микрометрик винт буралган вақтда пўст бўйлаб жойлашган ва ичи донадор яшил хроматофор билан тўлган протоплазмали сувўтининг или кўзга ташланади. Унда пиреноид бўлмайди. Ёғ томчилари запас модда ҳисобланади. Микровинт буралганда улар ялтираб кўринади.

Ҳужайра протоплазмасида майда ядролар кўп, препарат калий йодит билан бўялгандагина кўринади. Калий йодит эритмаси таъсирида улар тилла рангта бўялади.

Вошерия жинссиз кўпаяди. Зооспора кўп сонли жуфт хивичинлари ёрдамида ҳаракатланади. Вошерия қулай шароит бўлганда жинсий урчиди. Жинсий урчиш вақтида ипда тухум ҳужайрали оогон ва у билан бир қаторда оогон томонга этилган ип ўсимтаси - антеридий бўлиб, ичида сперматозоидлар ҳосил бўлади. Антеридий оогонга тегиб туриб тухум ҳужайрани уруглантиради ва қалин пўст билан уралган зигота ҳосил бўлади. Зигота узоқ муддатли тинч ҳолатга ўтади. Ундан янги вошерия или ўсиб чиқади.

Ботридиум турлари нам-лой тупроқларда, йўл ёқасидаги қуриётган ҳалқоп, кўлмак сувларда, вошерия турлари эса чучук оқмас сувларда, қуриёттан сув ҳавзалари қиргоқларда кенг тарқалган.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

- 1) Сариқ-яшил сувўтлари қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
- 2) Ботридиу ва вошериянинг таллом тузилиши қандай?
- 3) Вошерия зооспорасининг ҳосил бўлиши ва жинсий органлар қандай тузилишга эга?

2-иш Керакли материаллар. Ҳара сувўти гербаријси ёки тирик сувўти. Жинсий органлар ифодаланган доимий препаратлар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Ҳара сувўтлари бўлимига кирувчи сувўтлар вакиллари бошқа сувўтлардан талломининг - "танааларининг" бирмунча йирик бўлиши билан фарқланади. Масалан, ҳара сувўтлари вакиллари талломларининг катталиги 10-15 см, баъзи вакилларининг талломлари эса 50 смгача бўлади.

Ҳара сувўтларининг талломлари бўғим ва бўғим оралиқларига бўлинган бўлис, ҳар бир бўғимидан бир неча ён "шохчалар" чиқади.

Ҳар бир шохча ҳам ҳудди "тана" каби бўғим ва бўғим оралиқларга бўлинган бўлади.

Ҳара сувўтлар вакилларининг ҳужайра пўсти кальций тузлари билан тўйинган бўлганидан улар дагал ва мўрт бўлади.

Ҳара сувўтлар вакилларининг жинсий кўпайиш органлари кўп ҳужайрали бўлиши ва мураккаб тузилганлиги билан бошқа сувўтларининг вакилларидан фарқ қиласи. Ҳара сувўтларда жинсий кўпайиш оогамия типидадир.

Ҳара сувўтларининг вакиллари ариқ сувларида, оқмас сувларда, айниқса ҳовуздаги кўлмак сувлар остидаги қўйқаларга ўз ризоидлари билан ёпишиб яшайди. Ўзбекистон шароитида, айниқса сурункасига 3-4 йил шоли экилган далаларда кўп учрайди (10-расм).

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Харанинг тирик объектини лупа ёрдамида кўриб, чизиб олиш.
2. Микроскопнинг кичик ва катта объективида хужайранинг ички тузилишини кузатиш.
3. Жинсий органлар - оогоний ва антеридийларнинг микроскоп орқали кузатиб, албомга чизиб олиш.

ИШ ТАРТИБИ:

Вегетатив кўпайиш куртагига эга бўлган харанинг шохланган ризоидлари, талломининг ҳалқали шохланган шохчалари ва ҳужайралари орасидаги бўғим оралиқлари, "шохчалар"даги кўпайиш органлари (устки қисмида қоророқ узунчоқ оогоний, пастда юмолоқ заргалдоқ рангдаги антеридий) аниқланади.

Буюм ойнасида глицеринли бир томчи сувга пинцет билан ҳалқали шохланган хара талломининг бир қисми қўйилади ва қоплагич ойна билан ёпилади. Кичик объективда битта, анча иирик марказий ҳужайра пўстлоқ ҳужайрасини ўраб олган қатор узунчоқ бўгин ҳужайра курилади ва расми чизиб олинади. Талломининг кўндаланг кесимида марказий ҳужайрагч, кўриш мумкин. Кейин ҳалқасимон тарқаладиган ҳужайралар "баргларни" аниқлаш керак. Бўғим орасида пўстта яқин жойлашган донали хроматофор билан тўлган ҳужайрани кўриш мумкин. Хроматофор борлигидан кўп сонли ядролар кўринмайди.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Хара сувўтлар бўлимининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. Республикаизда хара сувўти кенг тарқалган ҳудудлари?
3. Хара сувўтининг вегетатив кўпайishi қандай?
4. Хара сувўтининг жинсий органлари қандай тузилишга эга?

5-мавзу. ДИАТОМ (Diatomophyta) ВА ҚҮНГИР СУВЎТЛАР (Phaeophyta) БЎЛИМИ

1-иш. Керакли материаллар. Тирик пиннулярия ва бошқа диатом сувўтлари. Доимий препаратлар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Булар бир ұжайралы ва колония бўлиб яшайдиганли микроскопик организмлардир. Диатом сувўтлар оқадиган ва оқмайдиган чучук ва шўр сувлардан, кўл ва дентизларда, ҳатто тупроқда ҳам кенг тарқалган. Улар кўк-яшил сувўтлар билан бирга учрайди. Уларнинг тузилишидаги характеристикалардан иккиси сиятлардан бирин пўстининг икки қаватли бўлишидир. Ташқи қавати қумтупроқдан ва ички қавати пектиндан иборат. Танасининг ташқи қавати икки палладан иборат бўлиб, ташқи - эпитека, ички - гипотека қаватини, қутичанинг қопқогига ухшаб қоплаб туради. Хроматофорларида каротин, хлорофилл, фукоксантин пигментлари бор. Кўшимча диатомин - сариқ ранг берувчи пигментнинг бўлиши характеристицидир.

Пиннулярия (*Pinnularia*) цатсимонлар (*Pennatae*) синфидан бўлиб, унча чуқур бўлмаган, суви ифлос ховузлар тагида ўсади. Уни сувга тушиб чириёттан барг юзасида ва ботқоқликларда учратиш мумкин.(11-расм).

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Микроскоп орқали пиннуляриянинг ташқи тузилиши кўриб чиқилади ва альбомга чизиб олинади.
2. Ички тузилиши билан танишилади.
3. Иккинчи ёки доимий препарада пиннуляриянинг белбог томонидан кўриниши кузатиласи.

ИШ ТАРТИБИ:

Унча чуқур бўлмаган сув хавзасининг тагидан олинган янги объект - бир томчи лойقا, буюм ойнасининг устига қўйилади ва қоплагич ойна билан ёпилади. Микроскоп остида препаратта қараш биланоқ пиннуляриянинг илгарилама ҳаракати кўзга ташланади. Пиннулярия тез ҳаракат қилгани учун унинг тузилиши аниқлаш қийин. Шунинг учун препарат формалиннинг 4% ли эритмасида фриксацияланади. Объектни фиксация қилиш учун эритма қоплагич ойна билан предмет ойнаси орасига томизилади, сунгра ортиқча суюқлик фильтр қозозига шимдириб олинади. Микроскоп остида кўриш мумкин бўлган пиннулярия сувўтларга нисбатан 2-3 мартаба катта бўлади. Унинг 2 томони қаралади: палла томонидан қаралганда узунчоқ тўтри тўртбурчак шаклида бўлиб, бунда эпитека гипотека устида жойлашгандиги

күринади. Паллалари орқали пластинка шаклидаги сариқ хроматофорлари яхши күриниб туради.

Бошқа препаратда пиннулярияning белбог томонидан қаралади.

Узунчоқ-овал шаклидаги паллаларининг ўртасида чок, икки четида ва марказида тутунчалар күринади. Бундан ташқари, паллалари тўрт бурчакларининг бурилиш жойларини ўраб олган кўндаланг йўл-йўл қалинлашмалар ҳам күринади.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Ҳужайра деворининг химиявий таркиби ва тузилиши қандай?
2. Пиннулярия ҳужайраси қандай тузилишга эга?
3. Пиннулярия сувўтида қачон жинсий кўпайиш содир бўлади?
4. Ауксоспора нима?

2-иш. Керакли жиҳозлар: Эктокарпус ва ламинария сувўтлари гербарииси. Спорангий ва гаметангийлар ифодаланган доимий препаратлар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Қўнгир сувўтлар кўп ҳужайрали, шохланган организм ҳисобланади. Кўпроқ шимолий дengizlарда учрайди. Улар учун талломининг дихотомик шохланиси характерлидир. Хроматофорларида фукоксантин, хлорофилл, каротин, ксантофилл пигментлари бўлганилиги сабабли улар қўнгир, сариқ-қўнгир ва бошқа ранги бўлади. Улардан халқ ҳўжалигига кенг фойдаланилади.

Эктокарпус (*Ectocarpus*) этокарапсномалар (*Ectocarpales*) қабиласига киради, тилласимон яшил рангли, узунлиги 10-15 см гача етади. Шимолий ва жанубий дengизларнинг қирғоқларида учрайди (12-расм).

Ламинария (*Laminaria*) ламинарияномалар қабиласига киради. Унинг талломи анчагина мураккаб тузилган. Талломининг ҳужайралари бажарадиган функцияларига (вазифаларига) қараб дифференцияланган тўқимага ўшайди. Талломининг узунлиги 2-3 метргача етади.

Ламинария шимолий дengизларда тарқалган. У катта амалий аҳамиятта эга. Ундан йод, кальций тузлари, альгин кислота олинади. Яшил ўғит сифатида, ҳамда

овқатта ишлатилади. Жинссиз насл-спорофит, жинсий насл-гаметофит билан галаници күзатилади. (13-расм)

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Эктокарпус гербарииси билан танишиб, унинг умумий күрниши чизиб олиш.
2. Жинссиз күпайиш учун хизмат қиласынан спорангийларнинг шаклланиши ва гаметангий тузилиши билан танишиш.
3. Ламинария турлари тузилиши билан танишиш ва тараққиёт циклини ўрганиш, тартиб билан чизиб олиш.

ИШ ТАРТИБИ:

Эктокрапус сувўтининг тузилиши-ипсимон, кўп ҳужайрали, дихотомик шохланиши аниқланади.

Микроскопда сувўтининг алоҳида шохчаси текширилади. Бунинг учун буюм ойнасидаги глицеринли бир томчи сувга фиксация қиласан сувўтнинг кичик бир алоҳида шохчаси қўйилади ва қоплагич ойна билан ёпилади. Бунда йирик донали хроматофорлари бўлган цилиндр шаклидаги ҳужайралари аниқланади. Дихотомик шохланиш ери а яқин бўлган шохчасидаги жинссиз органлари-узунчоқ пуфаксимон зооспорангиялари күзатилади. Бу зооспорангияда икки хивичли зооспорлар ҳосил бўлади. Сўнгра ишининг учидаги жинсий урчиш органлари-цилиндр шаклида алоҳида камераларга бўлинган гаметангийлар аниқланилади. Уларнинг ҳар бирида биттадан икки хивичли гамета ҳосил бўлади. Изогамия ёки гетерогамия усулида жинсий урчиди.

Ламинария бандининг ички тузилиши микроскопда аниқланади.

Бунинг учун фиксация қилинган ламинария банди устара билан кўндаланг кесилади. Кейин энг яхши, юпқа кесик олинади ва буюм ойнасидаги глицеринли бир томчи сувга қўйиб, қоплагич ойна билан ёпилади. Препарат аста-секин силжитилиб микроскопда қаралади. Кесикнинг ташқи томонида бир неча донадор хроматофорлари бўлган майдা ҳужайралар кўринади. Бу ҳужайралар қопловчи, ассимиляция ва ҳосил қилувчи тўқима вазифасини бажариб, пўстлоқ ҳужайра деб аталади.

Ундан ичкарироқда қатор халқалар билан ўралган катта тешиклар күринади, бұлар сув (ёш) билан тұлған сув йұллариدير. Ўзак деб аталуви мәрказий қисмида әлаксимон найларға үхашаш түзилма күринади. Улар шохланади ва қалин пластинкалар орқали бир-бири билан құшилади.

Баргсимон қисмининг күндаланг кесимида унинг пүстлоқ қаватида тор қопсимон зооспоралы зооспорангияни күриш мүмкін.

Зооспоралар зооспорангиядан чиқиб, иккита микроскопик үсімта-гаметофит беради. Эркак гаметофит антеридий, ургочиси эса оогонли үсімта беради. Антеридларда сперматозоидлар етилиб ва оогонийга сузиб келиб, тухум ұжайра билан құшилади. Уругланған тухум ұжайрадан аввал үсімта (протонема) үсіб чиқади, ундан эса спорофит-яңғы ламинария ривожланади.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Эктокарпнамолар қабиласи қандай үзига хос хусуситларға эз?
2. Эктокарпуда жинсий ва жинссиз күпайиш қандай боради?
3. Ламинариялар экологияси ва улардаги насл галланишлари қандай бұлади?

6-мавзу. ЦИКЛОСПОРАСИМОНЛАР СИНФИ ВА ҚИЗИЛ СУВҮТЛАР БҰЛИМИ (*Rhodophyta*)

1 иш. Керакли жихозлар: Фукус құнгир сувүті гербарииси, скафидияларға эга бұлған доимий препаратлар

УМУМИЙ ТУШУНЧА

Фукус (*Fucus*) фукуснамолар (*Fucales*) қабиласига кириб, Болтиқ деңгизи ва бошқа шимолий деңгиз қирғоқларида учрайди. У сув остида "ұтзорлар" ҳосил қилиб, субстратта ёпишган холда ҳаёт кечиради, бир ва икки уйли үсімлик, 4-5 йил давомида 1 метр баландликкана үсади (14-расм).

ТОПШИРИҚ

1. Гербарийдан-фукуснинг умумий тузилиши билан танишиб чизиб олиш.

2. Талломининг ички тузилишини доимий препаратдан ўрганиш.
3. Скафидиялар тузилишини ўрганиш ва альбомга чизиб олиш.

ИШ ТАРТИБИ:

Фукус талломининг дихотомик шохланиши, ўсиш нүктаси, ёиларида симметрик жойлашган ҳаво ёки сузувчи бўшлиги бўлган ўрта томири аниқланади. Талломининг учида йўғонлашган қисми бўлиб, унда урчиш органи-таллом тўқимаси ичига яширинган скафидий жойлашган.

Лупада талломининг сиртида скафийдийдан чиқиб турадиган парафизалардан иборат болгамини кўриш мумкин. Талломининг пастки қисмида сўргич (ризоид) бўмбаб.

Устара билан талломининг кўндаланг кесимидан препарат тайёрланади. Буюм ойнасидаги глицеринли бир томчи сувга энг юпқа кесик қўйилади ва қоплагич ойна билан ёпилади.

Микроскопнинг кичик объективи орқали қараганда кесикда қўнгир, пластинкасимон хроматофорли, зич жойлашган қатор ҳужайралардан иборат бўлган ташки қават кўринади. Бу қаватни пўстлоқ деб аталади. Ички қавати бир-бири билан сийрак чирмашиб кетган иплардан ташкил топган.

Микроскопдаги препаратни силжитиб туриб, ургочи скафидий орқали фукуснинг бўйинга кесилган кесимини топамиз. Скафийдилари колбасимон бўшлиқдан иборат бўлиб, талломда жойлашган. Бўшлиқнинг деворларида 8 та тухум ҳужайрали, овал шаклдаги оғон үрнашган. Оғонлар орасида кўп ҳужайрали парафизалар кўринади. Парафизаларнинг бир қисми скафидийлардан ташқари чиқади. Тухум ҳужайралар етилгандан сўнг скафидийлардан чиқиб, сувда эркин сузиб юради.

Эркак скафийдиларни кўриш учун юқорида курсатилган усулда яна бир кесик тайёрланади. Препаратда талломнинг ички тузилиши ва шар шаклидаги эркак скафийдилар кўринади. Бўшлиқ деворларидан антеридиал қопчалар жойлашган шохчалар кетган бўлади. Етилиши билан қопчалар очилиб, улардан сперматозоидлар чиқади. Улар сув оқими ёрдамида скафидийлардан сузиб чиқади. Йўлида тухум ҳужайралар билан учрашиб, уларнинг бири билан қўшилади.

Тұхум хужайра уругланғандан сұнг, уңдан янги фукус ривожланади.

МУСТАХКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Фукус құнгир сувүти талломи қандай тузилишига зә?
2. Циклоспорасимонлар синфининг сузуви ваклларига таъриф беринг?
3. Фукус сувүти қандай йұллар билан құпаяди?

2 иш. Керакли жиҳозлар. қизил сувүтлар гербарийлари. Жинсий күпайиш органлари ифодаланган доимий препаратлар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА

Қизил сувүтлари күп ҳужайралы бўлиб, талломининг ташқи кўринишидан юксак ўсимликларга ўхшайди. Талломи юпқа, сув тагиидаги нарсаларга ёпишиб яшайди. Баъзи турлари чучук сувларда яшаб, асосан дентизларда учрайди. Сувнинг 60-200 метрли чуқурликларида, қуёш нурининг фақат кўк гунафша нурлари тушиб турган жойларида ўсади. Қизил сувүтларнинг бу рангидаги нурларни ўзига қабул қилиш хусусияти хроматик адаптация деб аталади.

Қизил сувүтларнинг хроматофорида хлорофилдан ташқари, кўшимча бўёқ-кўк рангдаги фикоциан ва қизил рангдаги фикоэритрин пигментлари бўлади. Шу пигментлар нисбатига қараб улар қизил, пушти, гилос ранг ва оч гунафша тусда бўлади. Буларда запас маддаполисахарид тўпланади. Ҳужайра пўсти пектинга бой, сувда бўқади. (15-расм)

Қизил сувүтларда актив харакат қилувчи зооспоралар ҳосил бўлмаслиги уларнинг характерли белгиларидан биридир. Моно ёки тетраспора ёрдамида жинссиз кўпаяди. Оогамия йўли билан жинсий кўпаяди. Кўпчилик вакилларидан ҳўжаликда фойдаланилади. Масалан, улардан йод ва агар-агар олинади. Бошқа мақсадлар учун фойдаланилади (16-расм).

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Батрахоспермум сувүти лупа ёрдамида кўрилади ва умумий тузилиши чизиб олинади.

2. Сувўти шохчасининг кўндаланг кесигидан препарат тайёрланиб, ички тузилиши ўрганилади.
3. Жинсий кўпайиш органларини аниқлаш ва тузилишини ўрганиб, чизиб олиш.

ИШ ТАРТИБИ:

Батрахоспермумнинг талломи йирик ҳужайралардан тузилган бош ўзак ипчалардан ва унда ҳалқа бўлиб жойлашган ён шохчалардан иборат эканлиги, шохчалар эса мунҷоқсимон майдада ҳужайралардан тузилганлиги аниқланади. Кўндаланг кесиқдан тайёрланган препаратдан шохчанинг ички қисми топилади: бош ўзак ҳужайралари қисқа, ён шохчалари ўзаро зичлашган бўлганлиги билан бир оз қирқбўғимларга ухшайди. Бўғим оралиқлари битта йирик ҳужайрадан ташкил топган.

Бўғимларида паренхиматик ҳужайралар бор, булар такрорий ён шохчаларни беради ва ассимиляция вазифасини бажаради. Булар ассимиляторлар деб аталади. Ҳужайра протоплазмасида пиреноидсиз пластинкасимон хроматофор жойлашган.

Препаратни микроскоп столчасида ҳар томонга сизжитиб, унинг қари ёқ қисмининг тузилиши кўрилади. Шу билан бирга, ассимиляторлар шохчаларида шарсимон, биттадан моноспорага эга бўлган жинсиз кўпайиш органи-моноспорангия аниқланади. Моноспоралар етилгандан кейин моноспорангиядан сувга чиқиб, сув оқими билан бирор қўйқага ўтиради.

Жинсий кўпайиш органлари ҳам шу сувўтнинг ассимиляторларида қидириллади (бунинг учун материални кузда олиб қўйиш керак).

Ургочи жинсий органи карпогон бўлиб, қорин қисми ва трихогиндан иборат. Тухум ҳужайра қорин қисмida бўлиб, эркак жинсий органида харакатсиз-спермаций етилади.

Тайёр микропрепаратдан қизил сувўтнинг кўпайиш органлари антериид ва карпогон аниқланади. Антериидда етилган спермациялар карпогондаги тухум ҳужайрани урглантиргандан кейин каопоспоралар ҳосил бўлади. Каопоспоралар уюмига цистокарп деб аталади.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Қизил сувўтларининг ўзига хос хусусиятлари нимада?

2. Бу бўлим вакларида жинсиз кўпайиш қандай споралар воситасида ўтади?
3. Жинсий кўпайиш органларининг ўзига хослиги ва улар қандай номаланади?
4. Бўлим қандай синфларга бўлинади, қандай вакларини биласиз?

7 мавзу. МИКСОМИЦЕНТЛАР (ШИЛИМШИҚЛАР) БЎЛИМИ (Muxophyta).

Материаллар. "Карам кили" билан касалланган карам кўчатлари.
Турли доимий микропрепаратлар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Вегетатив ҳолатда шилемшиқлар ўсимлик тўқималарда паразит, яъни тайёр органик модда, сапрофит-чиринди ҳисобига ҳаёт кечиради. Булар субстратда кўп ядроли плазмодий кўринишида бўлади.

Плазмодий кўпаяди. Сўнгра спорага айланувчи алоҳида бир ядроли қисмларга ажралади. Споралар гликоген билан тўлади, пўст билан уралади ва қишлиайди. Кулай шароит вужудга телиши билар споралар бир хивчинли зооспорларга, кейин миксоамёбага айланади, миксоамёбаларнинг пўсти бўлмайди, улар жуфт-жуфт бўлиб қўшилиб кўпаяди, сўнгра ёлгон оёқлари билан судраблиб, плазмодий ҳосил қиласди.

Плазмодиофора (Plasmidiophora) «карам кили», карам илдизида паразитлик қиласди. Илдиз пўстлогининг паренхима тўқимаси гипертрофия ўсиши натижасида шишади, унинг хужайраларида шилемшиқнинг плазмодийси жойлашади. Кузга яқин бу хужайралардаги плазмодийдан споралар ҳосил бўлади (17-расм).

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Гербарий ёки таблицадан касалланган карамнинг умумий кўриниши ўрганилади ва расмда карамнинг касалланган, ҳамда сог илдизи тасвиirlанади.

ИШ ТАРТИБИ:

Касалланган карам илдизининг кўндаланг кесигидан тайёрланган препарат микроскоопда қаралади. Бунда микроскопниң кичик объективи орқали илдизнинг паренхима ҳужайралари ва уларни тўлдириб турган споралар аниқланади. Микроскопниң катта объективи орқали шўстдаги споралар аниқланади. Агарда фиксация қилинган карам илдизи бўлса, студентларнинг ўзи кесик тайёрлаб, микроскоопда қарайдилар.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Миксомицетлар тана тузилишининг ўзига хослиги нимада?
2. Миксоамёба нима, улар қандай вазифани ўтайди?
3. Плазмadioфора қандай паразит.

ЗАМБУРУГЛАР (Mycophyta, Fungi) БЎЛИМИ.

Замбуруглар талломи мицелий деб аталадиган вегетив танага эга бўлиб, улар ингичка шохланган ипчалар-гифалардан иборат. Гифалар ичида тўсиқлар бўлмаса (яхлит бўлса), улар ҳужайрасиз тузилишада эга бўлиб, тубан замбуругларга хосdir. Агар гифалар-ипчалар тўсиқлар воситасида бўлинган бўлса, улар юксак замбуругларга хос бўлади.

Ҳужайра цитоплазмага ва бир ёки бир нечта магизга (ядрота) эга. Пластидлар йўқ. Запас модда сифатида гликоген углевод ёки ёғ тўпланади, крахмал ҳеч қачон хосил бўлмайди.

Замбуруглар-гетеротроф организмлар бўлиб, уларнинг сапрофит, шунингдек паразит вакиллари ҳам мавжуд. Вегетатив кўпайиш, мицелий бўлаклари, хламидоспоралар ёки куртакланиш асосида боради. Жинссиз кўпайиш эса зооспорлар, спорангииоспорлар, қонидийлар воситасида боради. Жинсий жараён эса хилма хил шаклда - изогамия, гетерогамия, оогамиятипида бўлиши мумкин (18-расм).

Замбуруглар 100.000 дан ортиқ турга эга. Улар олтига синфга бўлинади.

1. Хитридиомицетсимонлар (Chytridioyctes)

2. Оомицетсимонлар (Oomycetes)
3. Зигомицетсимонлар (Zygomycetes)
4. Аскомицетсимонлар (Ascomycetes)
5. Базидиомицетсимонлар (Basidiomycetes)
6. Такомиллашмаган замбуруглар (Fungi imperfecti)

8 мавзу. ХИТРИДИОМИЦЕТСИМОНЛАР ВА ООМИЦЕТСИМОНЛАР ВАКИЛЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ

(Olpidium brassicae ва *Phytophthora infestans*)

1 иш. Керакли материаллар: «Илдиз қорайиши» касаллиги билан заарланган карам күчати, гербарий, тайёр препаратлар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Ольпидиум вегататив танаси озуқа берадиган ўсимлик ҳужайраси ичида ялангоч протоплазма шаклида бұлади, мицелий ҳосил қылмайды. Оллидиумнинг бу тури карам күчтининг илдиз бүйинни шикастлайды. Касалланган карам күчтининг илдизи ва гипокотилнинг бир қисми қуриб, қора тусга үтиб бурушиб қолади (19-расм).

Зарарланган илдиз ҳужайралари ичида юмалоқ шаклдаги зооспорангийда бир хәвичли зооспоралар шаклланиб ташқарига чиқади ва янги бошқа ўсимликларни касалланишига сабабчи бұлади.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Ольпидиумнинг тузилиши ва күпайишини үрганинг
2. Заарланган карам күчтининг ички тузилиши билан танишиб, чизиб олинг.

ИШ ТАРТИБИ:

Спиртда фиксиранган, ольпидиум касаллиги билан заарланган карам күчати ва гербарийси діққат билан үрганилади. Ольпидиум плазмодийсининг ҳужайра ичидаги холати тайёрланган кесмадан ёки доимий препарат ёрдамида кузатилади. Илдиз ҳужайрасининг маълум жойларида ольпидиум талломининг плазмодий шаклида кузатиш мүмкін.

Улардан зооспорангиялар ҳосил бўлишини кузатинг. Жинсий жараёни изогамия типида.

МУСТАЖКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Замбуруглар талломи қандай номланади?
2. Қандай белгиларга асосан тубан ва юксак замбуругларга бўлинади?
3. Карам ольпидиумининг тараққиёт цикл қандай?

2 иш. Керакли материаллар. Фитофтора билан зарарланган картошка туганаги ва барг гербаријиси. Касалланган барг кесимидан тайёрланган доимий препаратлар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Фитофтора (*Phytophthora*) оомицетсимонлар синфининг перноспараномалар қабиласига мансуб. Картошкада паразитлик қилиб, унинг барги, туганакларининг тўқималарини чиритади. Мицелийси картошка баргининг ассимиляция тўқимасида ва тутунагининг паренхимасида ривожланади. Эпидермис лабчаси орқали мицелийнинг шоҳланган учларидан ўсиб, конидиялари бўлган конидиябандлари чиқсан бўлади.

Етилган конидия кўп марта бўлинади ва икки хивичли зооспоралар ҳосил қиласи. Замбуруг конидия ва зооспорлар билан кўпаяди (20-расм).

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Картошканинг касалланган барги ва туганаги луша ёрдамида кузатилади ва расмлари чизиб олинади.
2. Картошканинг касалланган барги ва туганагидан тайёрланган препарат микроскопнинг кичик ва катта обективида қаралади.
3. Касалланган баргдаги фитофтора мицелийлари, барг оғизчаларидан чиқсан конидиябандлари, улардаги зооспорангийлардан гифаларни ўсиши кузатилиб, чизиб олинади.

ИШ ТАРТИБИ:

Картошкани касалланган ери қўнгир ёки қорайган бўлади. Қуритилган касалланган баргдаги мицелийларни кўриш қийин, чунки нобуд бўлган тўқималар тўқ қўнгир рангли, лекин баргнинг ажралган қисмлари орасида

ингичка, рангсиз, конидияли шохланган конидия банди яхши күринади. Уларнинг расмини чизиб олиш зарур (лекин спираль наилар билан конидияли кўп ҳужайрали барг эпидермисининг тукларини аралаштириб юбормаслик керак).

Агар фитофтора билан касалланган баргнинг янги фиксация қилингани бор бўлса, ундан юпқа қилиб кўндаланг кесик олиб, бир томчи глицерин томизилган (ҳужайралар аниқ кўриниши учун) буюм ойнасига жойлаштириш ва препарат тайёrlаш керак. Микроскопга қўйиб барг тўқимасидаги замбурут мицелийсини, конидияланди ва барг сиртидаги конидияларни қўриб чиқилади.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Фитофтора қайси синф ва қабила вакили?
2. Картошка ўсимлигининг фитофтора билан касаланиши қандай шароитда кўп учрайди?
3. Фитофторанинг тараққиёт цикли қандай боради?

9 мавзу. ЗИГОМИЦЕТСИМОНЛАР ВА АСКОМИЦЕТСИМОНЛАР СИНФИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ (Мусог ва *Saccharomyces*)

1 иш. Материаллар: Муғор босган нон ёки муғор билан қопланган ҳўл мевалар.

Ок пўпанакнинг турили тараққиёт жараёнларини ифодаловчи доимий препаратлар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Ок пўпанак (Мусог) зигомицетсимвонлар синфида мансуб бўлиб намиқсан нон, ҳўл меваларда ўсиб чиқадиган сапрофит замбурут бўлиб, овқат маҳсулотларини бузади. Мицелийсининг чиқиндиси одам организми учун зарарли ҳисобланади. Бу ҳар қаерда учрайдиган оддий кул ранг мутордир.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Муғорнинг тирик объекти лупада қаралади. Тузилиши ўрганилади ва чизиб олинади.

2. Тайёrlанган микропрепарат микроскоп орқали кузатилади ва мукор қисмлари аниқланади ва расмлари чизилади.

3. Жинссиз ва жинсий (зигогамия) жараёнлари ўрганилади.

ИШ ТАРТИБИ

Намиққан нонга 3-4 кун оддин замбуруг споралари сепилади ва ҳарорати 23-27 С гача бўлган термостатта ёки қоронги жойдаги қалпоқчали идишга қўйилади. Озиқлантирувчи муҳитини қоплаб олган оқ пўпанак кўринишидаги мицелийлари аниқланади. Спорангийбанди ва унинг учидаги спорали, қора рангли спорангий яхши кўринади. (21-расм)

Буюм ойнасидағи сув томчисига препаровал нина ёрдамида янги мугорнинг битта-иккита или қўйилади ва қоплагич ойна билан ёпилади. Ҳужайрасиз, кўп ядроли мицелийси, шарсимон спорангийли, сариз рангли спорангийбанди, кул ранг спораларининг шакли ва каттакичиклиги аниқланади, расми чизиб олинади. Овқат етарли бўлган мұхитда мөгор споралар ёрдамида жинссиз кўпаяди.

Овқат моддаси (замбуруг яшаёттан муҳит) кам бўлганда зигогамия деб аталувчи жинсий жараён билан танишлап учун қотган нондан олинган эски мугордан янга битта препарат тайёрланади. Препарат микроскопнинг аввал кичик объективи, кейин катта объективи орқали қаралади. Мицелий ишлари орасида, баъзан икки шар учрашиб, учларида пастдан тусиқлар билай ажralган битта бўртма ҳосил қиласи, баъзан эса бу ҳужайралар таркибидағи моддалар бир-бирига қўйилиб, қалин пўстли, гадир-будир шарга ўхашаш зигоспоралар ҳосил бўлади.

Улар тиним даврини ўтганидан сунг ўсиб, кўпинча шоҳланмаган қисқа спорангий бандида ёш спорангий ҳосил бўлади. Бу эмбрион спорангий деб аталади. Эмбрион спорангийсида ҳар хил жинсли споралар етилади. Улардан кейин гетероталлик мицелий замбурутининг оддий мўгори ҳосил бўлади.

МУСТАЖКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Зигомицетсимонлар синфи вакиллари қандай ўзига хос хусусиятларга эга?

2. Оқ пўпанак замбуруги қандай тузилишга эга. Жинсиз кўпайиш қандай ўтади?

3. Зигогамия типида жинсий кўпайишнинг бошқа синф вакилларидағи жинсий кўпайишдан фарқи нимада?


2 иш Керакли материаллар. Халтачали замбуруглар (аскомицетсимонлар) синфининг турли ваклари, янги ачитқи замбуруглар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Аскомицетсимонлар синф вакилларининг ривожланиш даврида спора берувчи халтачалар (аска) вужудга келади, ҳар бир халтача ичида, кўпинча, 8 тадан аскоспора етилади. Халтачалар плектенхимадан ташкил топган меватанадан ҳосил бўлади. Меватаналарининг ҳосил булишига қараб халтачали замбуруглар уч гурухга бўлинади: биринчи гурух меватанаси ёпиқ-клейстокарп булиши билан, иккинчиси ярим ёпиқ-перитецийнинг, учинчиси-очиқ апотецийнинг булиши билан характерланади. Жинсий жараён халтачалар ҳосил булишидан олдин плектенхимада боради. Аскомицетларнинг мицелийлари кўп хужайрали.

Озиқданиш усулига кўра уларнинг баъзилари паразит, баъзилари сапрофит ҳисобланади (22-23-расм).

Дастлабки халтачалилар ёки гимиаскомицетсимонлар кенжা синфи, эндомицетномалар қабиласига мансуб бўлган ачитқи (*Saccharomyces*) замбуруги бир хужайрали куртакланувчи замбурут бўлиб, дихотомик шохланган колония ҳосил қиласи. Ачитқи замбуруглар пиво тайёрлашда ва нон пиширишда катта аҳамиятта эга. Улар қанди мухитда ривожланиб, карбонат ангрид, этил спирти ва иссиқлик ажратиб чиқаради. Спирт ҳосил бўлиш жараёни қуйидаги формула билан ифодаланади:



ТОПШИРИҚЛАР:

1. Аввал ачитиб қўйилган ачитқи замбуругидан препарат тайёрланади.
2. Препаратдан вегетатив хужайрада ҳосил бўлган (қулай мухитда) 4 та аскоспора топилади.

3. Ачитқининг куртакланиш йўли билан кўпайишини кузатинг ва расмларини чизиб олиш.

ИШ ТАРТИБИ:

Ачитқи замбуругидан препарат тайёрлаш учун буюм ойнасига культуранинг озигина лойقا томчиси томизилади ва қоплагич ойна билан ёпилади. Тайёрланган препарат микроскоцда кўрилиб, дихотомик шохланган узунчоқ вегетатив хужайралар колонияси топилади: булар вино ачитқиси, овал шаклдагиларни - нон ачитқисидир. Нон ачитқиси хужайралари орасидан куртакланувчи хужайралар топилади. Микрометрик винтни бураш биллан нон ачитқисининг вегетатив хужайрасидан хужайра пўсти, ядро, вакуол ва запас модда заррачалари кўрилади. (24-расм)

Микроскоцда ачитқи замбуругларнинг жинсий кўпайиш жараёнини (кам учрайдиган бўлса ҳам) кузатиш лозим. Бир вақтда иккита вегетатив хужайра таркибидағи моддалар ва хужайра ядролари бир-бирига қўшилади. Сўнгра ядро бўлинади. Уч марта қайта бўлингандан сўнг, бошлангич халтачага ўхшаш умумий она пўстида 8 та аскоспоралар ҳосил бўлади.

МУСТАҲКАМЛАНУЧУН САВОЛЛАР:

1. Аскомицетсимонлар синфининг бошқа синф вакилларидан фарқи, қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
 2. Аскомицетсимонлар вакилларидағи жинсий кўпайиш учун хизмат қиливчи органлар?
 3. Мева тана нима ва қандай турларга эга?
 4. Ачитқи замбуруглари ишлаб чиқаришда қандай аҳамиятта эга?
 5. Пинициллиум замбуругининг тузилиши ва у қандай аҳамиятта эга? Ялонгоч халтачалилардан фарқи?
- 10 мавзу. ЭУАСКОМИЦЕТ КАБИЛАР СИНФЧАСИННИНГ
ПИРЕНОМИЦЕТНАМОЛАР (Rugopomycetales) ВА
ДИСКОМИЦЕТНАМОЛАР
(Disciomycetales) ҚАБИЛА ВАКИЛЛАРИ БИЛАН
ТАНИШИШ**

1 иш. Керакли материаллар: Заарланган бугдой, жавдар ва бошқа ўсимлик бошоқларидан йигилган гербарийлар. Фиксация қилинган склероций, перитецийли строма, тайёр препаратлар.

УМУМИЙ ТУШГУНЧА:

Шох-куя (Claviceps purpurea) пиреномицетномалар (Рутепомысцеталес) қабиласи вакили бўлиб, дон, ем-хашак ва бошқа галла ўсимликларида паразитлик қилиб, халқ хўжалигига катта зарар келтиради.

Аскоспоралар халтачалардан чиқиш вақтида шамол ёрдамида тарқалади ва галласимон ўсимликларнинг гуллаш даврида гул тугунининг тумшуқчасига тушади, мицелий ўсиб, тугунчада ривожланиши натижасида дон ўрнида кўнгир гунафша рангли склероций ҳосил бўлади (25-расм).

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Бутдой ёки жавдарнинг замбуругт билан заарланган бошоги гербариидан ўрганилади ва расми чизиб олинади.
2. Фиксация қилинган бутдой ёки жавдар бошогидаги склероцийдан устара ёрдамида кўндаланг кесиб препарат тайёрланади.
3. Склероций лупа остида кузатилади, ундаги меватана ва аскоспаралар ўрганилади.

ИШ ТАРТИБИ:

Бошоқда соглом донлар билан бир қаторда уч қиррали қаттиқ шохча шаклида, сирти қўнгир-гунафша. ичи оқ, узунлиги 2-3 см, диаметри 3-5 мм ли склероцийлар бўлади.

Склероций кўндаланг кесигидан тайёрланган препарат бир томчи глицерин томизилган буюм ойнасига қўйилади ва қоплагич ойна билан ёпилади. Препарат микроскопнинг катта объективи орқали қаралади. Кесилган замбуруг гифаларининг учбурчак шаклидаги хужайрасининг расми чизиб олинади.

Кишида склероций донлар билан бирга тинч даврни ўтказади, баҳорда эса ўсиб, ривожлана бошлайди.

Склероцийда бошчасимон стромаларни, бўйига кесилган кесикнинг сиртқи қаватида строма тўқимасининг чуқурликларида ярим ёпиқ перитецийни кўриш мумкин. Перитецийларда эса 8 та аскоспорали ипсимон узун халтачаларнинг жойлашганлигини кўриш мумкин.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Аскомицетсимонлар синфи, деб номланишига сабаб нима?
2. Аска ва аскоспоралар қандай ҳосил бўлади?

3. Мева тана нима?
4. Қандай замбуруг "Оидиум" касаллиги юзага келишига сабабчи бўлади?
5. Склероций нима? Шох-куя замбуругининг ҳаётий цикли қандай ўтади?

2 иш. Керакли материаллар. Пецица намунаси, унинг қуритилган апотецийи. Фиксацияланган пецица. Тайёр препаратлар Турли мевалар этида жойлашган склеротиния.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

ПЕЦИЦА (Peziza) дискомицетномалар (Disciomycetidales) қабиласига мансуб бўлиб, дараҳт атрофидағи тупроқда ва дараҳт қолдиқларининг чириёттани ерида учрайдиган сапрофит замбуругидир (26-расм).

Склеротиния олма, олхўри, шафттоли ва бошқа мевали дараҳтларининг мева ва баргларида паразатлик қилади. Мицелийси мева этида жойлашган бўлади.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Гербарий материаллари лупа воситасида кузатилади (пецица ва склеротиния). „
2. Мева ва вегетатив таналар расми чизиб олинади.
3. Фиксацияланган пецица апотецийидан кўндаланг кесик тайёрланади.
4. Микроскоп катта объективида аскоспорали халтачалар кузатилиб, чизиб олинади.

ИШ ТАРТИБИ:

Йигилган гербарий материали лупада қаралади. Субстратта ёпишиш учун хизмат қиладиган ип шаклидаги мицелийси, замбуругнинг тарелкасимон ёки воронкасимон танаси - апотеций тузилиши ўрганилади. Апотецийдан тайёрланган кесик буюм ойнасидаги глицерин томчисига қўйиб, қоплагич ойна билан ёпилади. Сунгра микроскопнинг кичик объективи орқали қаралади. Халтачалар билан параллел жойлашган мевасиз ип-парафизали гимениал қават аниқланади ва расми чизиб олинади. Остки қавати плектенхима дейилади. Бу гифлар тўпидан ташкил топган бўлиб, ризоид вазифасини бажаради.

МУСТАХҚАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Дискомицетнамолар қабиласининг мевали дарахтларда қандай тури паразитлик қилади.
2. Дискомицетнамолар қабиласи вакилларининг пиреномицетнамолар қабиласи вакилларига үхшашлик ва фарқланувчи қандай белгиларга эга.
3. Пецица замбуруги мицелийси билан қайнин пўкаги замбуруги мицелийсининг тузилишдаги фарқи?

11 мавзу. БАЗИДИОМИЦЕТСИМОНЛАР СИНФИ (Basidiomycetes)

Керакли материаллар: Тирик ва спиртда фиксация қилинган чин пўкак (*Fomes jometorius*), шампиньон қўзиқорини (*Agaricus bisporus*) ёки оқ қўзиқорин (*Boletus edulis*)ларнинг мева таналари ёки гербарий намуналари; Арпа, сули, бутдой ўсимликларининг қора-куя замбуруги билан зааррланган намуналари; қоракуя замбуруги (*Ustilago traeae*) билан зааррланган маккажўхорининг илдизи, пояси ва сутаси;

Замбург (*Russula graminis*) билан касалланган сули, бутдой ўсимлигининг барг ва поялари; замбуруг мева таналарининг геменофора кўндаланг кесигидан тайёрланган доимий микропрепаратлар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Бу синф вакиллари ривожланиш босқичида базидия ҳосил қилиш циклининг бўлиши билан харакатланади. Стеригмадеб аталувчи 2 ёки 4 базидия ўсимталарда базидиоспоралар ҳосил қилади. Мева ҳосил қилиш усули бўйича иккита кенжা синфга бўлинади. Холобазидиомицет кабилар (*Holobasidiomycetidae*) синфчаси вакиллари паразит ва сапрофит ҳолда ҳаёт кечиради. Замбурутининг мицелийлари уни озуқлантирувчи муҳитда (тупроқ юзида ва дарахтларнинг чириёттан қолдиқларида) ёки тирик организм таналарида тарқалган.

Мицелийларида субстратга ёпишиб турадиган меватаналар ҳосил бўлади. Бу кенжা синф икки ёки тўрт базидияспорали, бир хужайраги базидиясининг бўлиши билан харакатерланади.

Фрагмобазидиомицеткабилар синфчаси вакилларининг базидиялари тўсиқларга эга бўлиб 4 хужайрага бўлинган. Базидиялар мицелийнинг турли қисмларида юзага келиши

мумкин, лекин күпроқ улар меватанада бұлади. Мева тананинг юқори қисми-тимениал қатlamга эга бўлиб тименофора деб аталади (27-расм).

Базидимицетсимонлар жинсий жараён натижасида базидиоспоралар ҳосил қиласи. Уларнинг ҳаётий жараёнида (циклида) уч фаза галланади: қисқа муддатли гаплоиди, дикариен (циклнинг кўп қисми) ва жуда қисқа муддатли диплоиди.

Синф 30.000 яқин турга эга.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Холобазидиомицеткабилар синфчаси Гименомицетнамолар катта қабиласининг Афилюфоранамолар қабиласига мансуб бўлган чин пўрак ва агариканамолар қабиласи вакили шампинъон замбурургларининг мева тана тузилишини ўрганиш ва расмларини чизиб олиш.
2. Қоракуянамолар қабиласига мансуб бўлган маккажўхори, бугдой ва сули каби ўсимликлар бошогидаги қоракуя замбурургларнинг тузилиши, ва кўпайишлари билан танишиб, ўрганиш. Расмларни чизиб олиш ва белгилаш.
3. Зангнамолар қабиласига мансуб бўлган дон занг замбуруги тузилиши ва тарқалишларини ўрганиш (касалланган дон, зирк ва дўдана ўсимликлар гербаййисидан фойдаланиб).

ИШ ТАРТИБИ:

1. Чин пўрак- кўп йиллик бўлиб, асосан дарахтлар танасида паразитлик қиласи. Мева танаси тақасимоқ шаклда бўлиб, дарахт танасига зич ёпишган бўлади. Ҳар иили янги қават ҳосил қилиши ҳисобига меватана катталаша боради. Мева тана кўп йиллик.

Мева танани кузатиш вақтида унинг остки горизонтал юзасидаги трубкасимон гименофорига аҳамият беринг. Гименофор найчаларни мева тананинг бўйича кесигидан ҳам кўриш мумкин. Сўнгра гименофирнинг кўндаланг кесигидан тайёрланган доимий препарат ўрганилади, аввал микроскопнинг кичик объективида базадияспорали базидиялар кузатилади. Бозидияспораларни эса микроскопнинг катта кўзгусидагина кўриш мумкин. Базидиоспоралар найчалар орқали пастга тушади ва шамол ёрдамида тарқалади (28-расм).

Агариқанамолар қабиласига (*Agaricaceae*) кирувчи фиксацияланган шампиньон замбурутнинг оёқча ва қалпоқчасига эътибор берилади. Қалпоқчасининг ост томонида радиал жойлашган пластинкали гименофорининг кўндаланг кесимидан тайёрланган препарат микроскоопда кўрилади. Пластинка ўртасидаги гимениал қават ва қаватнинг четидаги базидия билан парафизалар аниқланади. Базидиоспорали стеригмалар кўрилади (29-расм).

Сули қоракуяси (*Ustilago avenae*) фрагмобазидиомицеткабилар (*Phradmobasidicetes*) синфчасининг қоракуянамолар (*Ustilaginales*) қабиласи вакилидир.

Бу замбуруглар базидияси тўрт хужайраги бўлиши билан харакерланади. Булар галла ўсимликларида ва баъзи галласимон ўтларда паразитлик билан ҳаёт кечиради.

Сули ва бошқа дон экинларида дон ўрнига қора чанг тўплами-спора ҳосил бўлган бошоқлар аниқланади (30-расм).

Спорали қоракуядан тайёрланган микропрепарат микроскоопда қаралади. Замбуруг билан касалланган ўсимликдан йигилган гербарийдан споралар олиб, буюм ойнасидағи глициеринли сув томчисига қўйилади ва қоплагич ойна билан ёпилади. Унда хламидоспоранинг ғалин пўсти-экзина, унинг ичидаги эса заръздоқ ранги модда - ёг томчилари аниқланади.

Янги тайёрланган препаратдан лаборатория шароитида ўстирилган хламидоспора микроскоопда қаралади. Хламидоспора янги касалланган ўсимлик гербарийлардан олинади. Баъзидаиспорали фрагмобазидия аниқланади. Агар копуляция бўлса "Н" ҳарфи ҳолатида турган базидиоспоралар аниқлаш керак. Уларнинг куртакланишига ҳам эътибор берилади.

Дон занг замбурути (*Russinia graminis*). Зангномалар (*Uredinales*) қабиласига кириб, дон экинларини заарлайди. Айниқса, у маданий дон экинлари: бутдой, жавдар, арпа, сулига катта зиён етказди. Бу экинларда жуда кўп учрайдиган касаллиқdir. Уларда ривожланиш цикли жуда мураккабdir. Улар икки паллали ўсимлик зирк ва дўлана япроқларини заарлайди, сўнгра дон экинларини, масалан, бутдойи заарлайди. Бу касал кўпроқ Ўзбекистоннинг тог багрида экиладиган баҳорги бутдой ва адир зоналарда экиладиган арпада тарқалгандир (31-расм).

Касалланган дон, зирк ва дўлана ўсимликларидан йигилган гербарий лупада кўриб чиқлади. Дон экинларидан: бугдойарпа, сули ва жавдарнинг поя ва баргларининг заарланган еридан қора ва қўнгир йўллар яхши кўринади. Зирк ва дўлана барги ва меваларининг заарланган ери занг доглари ҳолатида кўринади.

Шу паразит замбуруг вакиллари ва ривожланиш цикли билан яхшироқ танишиш учун, бу ишни ёзги споратурейдоспорадан ва қишки-телетоспорадан бошлаймиз. Бу спораларни дон экинларининг гербарийларидан препаровалл нина ёрдамида қириб олиниб, буюм ойнасидаги глицеринли сув томчисига қўйилади ва қоплагич ойна билан ёпилади. Микроскопнинг аввал кичик, кейин катта объективи орқали қараганды микроскоп остида сариқ рангли, овал шаклидаги, бир хужайрали, икки ядроли, кўкиши-сариқ пўстли ингичка оёқчада жойлашган урейдоспораларни кўриш мумкин. Яна у билан бир қаторда жойлашган қора, икки ҳужайрали, овал-учбурчак, жигар рангли, қалин пўстли телетоспораларни кўриш мумкин. Буларнинг ҳужайралари бир ядроли бўлади. Телетоспоранинг қалин пўст уни қишининг совугидан ҳимоя қиласи ва шунингдек, қургоқчиликдан ҳам сақлади. Бу споралар кузга яқин ҳосил бўлади. Улар далада гупроқ ичида ёки омборларда донларда қўйилайди. Эрта баҳорда қуай шароитда телетоспоралардан фрагмобазидия ҳосил бўлади. Агар тирик объект бўлмаса, ҳосил бўлиш процессини таблицадан чизиб олиш керак. Расмда тўрт хужайрали фрагмобазидия ва унинг ҳар бир ҳужайрасидан ажралган базидиоспорали стеригма кўрсатилади.

Шамолда базидиоспоралар ажралиб чиқиб, ҳар томонга тарқалади. Улар зиркнинг ёш баргига тушганидагина ўз тараҳҳиётини давом эттиради, акс ҳолда ҳалок бўлади. Кўкламда зиркнинг янги чиқсан нозик ёш баргига тушган базидиоспора гифага айланади. У эпидермисни тешиб, барг тўқимасининг ичига киради. Сўнгра хужайра оралиги бўйлаб тарқаб, у ерда ўса бошлайди ва бир ядроли гаплоид мицелийлар ҳосил қиласи. Шу мицелийлардан споралар берувчи органлар-спермагоний ва эцидийлар ҳосил бўлади. Бу эцидийлар етилганда ёрилади ва улардан эцидиоспоралар сочилади. Эцидийнинг узунасига кесмасини тайёр препаратда кўриш мумкин. Бунинг учун заарланган зирк ёки дўлана баргини олиб, бузиналар

орасига жойлаштирилди ва эцидий ёстиқчаси бўлган баргдан кўндаланг кесик тайёрланади. Танлаб олинган юпقا кесик буюм ойнасидағи глицеринни сувга қўйилди ва қоплагич ойна билан ёшилади. Микроскопнинг кичик объективи орқали бокалсимон шаклдаги эцидийлар ва унинг ичида жойлашган эцидиоспоралар кўрилади. Эцидийли барг бўлгининг расмини чизиб олинг.

Етилган эцидиоспоралар дон экинларига тушгандан сўнг мицелий ўсиб чиқади ва ўсимлик ичида тарқалади, сўнгра ёзги урейдопоралар, кузда эса телеспооралар ҳосил қиласди.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Базидиомицетларнинг аскомицетлардан фарқи нимада?
2. Қандай белгилари асосида синфчаларга бўлинади?
3. Қандай гифалар дикарион - деб номланади ва қандай ҳосил булади?
4. Коракуя замбуругу билан занг замбуругининг тараққиёт циклида қандай фарқлар мавжуд?

12 мавзуу. АИШАЙНИКЛАР БУЛИМИ (Sichenophyta)

Керакли материаллар: Ёпишқоқ, баргсимон ва бутасимон лишайникларнинг асосий турлари (коллекцияси), талломнинг кўндаланг кесигидан тайёрланган доимий микропрепаратлар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Лишайниклар, ўзига хос тузилган симбиоз организмлардир. Улар замбурут ва сувўтларининг бирикмасидан вужудга келган симбиоз организмлар эканлигини биринчи марта 1867 й академик А.С.Фамицин ва И.В.Баранецкийлар аниқлаган.

Лишайник таркибига замбурглардан, асосан, халтачали замбуруглар, сувўтлардан яшил ва кўк яшил сувўтларнинг турлари киради.

Базидияли лишайниклар учун куп турга эга булмайди ва тропик мамлакатларда ўсади.

Лишайниклар автотроф ўсимликлардир, чунки улар сувутларда хлорофилл булганидан, фотосинтез жараёнида

анорганик моддалардан органик моддалар хосил килади. Замбуруглар эса хосил булган органик модданинг бир кисми билан озикланади ва сувўтини сув ҳамда сувда эриган минерал моддалар билан таъминлаб туради.

Лишайниклар ҳар қандай нокулай шароитда ўсишга мослашган организмлардир. Лишайниклар талломининг барча сатҳи ёмгир, шудринг, бут ва шу каби намлини жуда тез шимади. Улар учун субстратдан олинадиган сувнинг аҳамияти унча катта эмас. Ёмгиридан сўнг, лишайниклар бўртиб, кўзга яхши ташланишнинг сабаби ҳам шунда. Буларда фотосинтез жараёни кучсиз бўлганлигидан, органик моддаларнинг тўпланиши жуда секин боради. Шунинг учун, улар энг секин ўсадиган ўсимликлардир. Масалан, диаметри 1 мм бўлган ксантория лишайнигининг талломи б йилдан кейин 3 см га еттан. Баргсимон ва бутасимон лишайниклар бирмунча тез ўсади. Уларнинг йиллик ўсиши, ўрта ҳисобда, дастлабки оғирлигининг 8-15 дан бир қисмини ташкил этади (32-расм).

Лишайниклар турли субстратларда ўса олади ва у ерда органик моддалар тўплаб, аста-секин юксак ўсимликларнинг ўсишига замин тайёрлайди, яъни тупроқ ҳосил қиувчи фактор ҳисобланади, чунки уларнинг фаолияти натижасида пайдо бўладиган кислота ҳар қандай тошлар ва тог жинсларини нуратади ва уларнинг тупроққа айланишига сабаб бўлади.

Лишайник турларининг аҳамияти катта бўлиб, турли соҳаларда ишлатилади, ҳар хил мақсадлар учун фойдаланилади. Масалан, тундрада бутучиликда ем-ҳашак базаси ҳисобланади. Шунга ўхшашиб озиқ-овқат, медицинада, порфмерия саноатида эфир мойи олиш учун хомашё сифатида ишлатилади. Айрим турлари заҳарли бўлиб, уни шимолда овчилар бўриларни заҳарлашда ишлатадилар.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Тошлар, қояларда ва дарахт қобиқларида ўсадиган ёпишқоқ лишайник турлари лупа ёрдамида субсрата маҳкам ёпишган талломи аниқланади ва шакли чизиб олинади.

2. Паремия ва пельтигера каби баргсимон лишайниклар пластинкасимон талломи ва субстратта ёпишиш йўллари ўрганилади ва чизиб олинади.

3. Гербарийлар ёрдамида бутасимон лишайниклар тузилиши билан танишилади (кладония фимбриата, клодония, хлорофга ёки бошқа шимолда ўсадиган лишайниклар).

4. Микроскоп остида лишайниклар талломининг анатомик тузилишини ўрганиш.

ИШ ТАРТИБИ:

Лишайниклар морфологик тузилиши асосан ёпишқоқ, баргсимон ва бутасимон лишайникларга булинади. Улар танаси таллом- деб аталади.

Кенг тарқалган тошхина, ит хина каби содда тузилган ёпишқоқ лишайник турларининг тузилиши ўрганилади.

Адиrlарда, тогларда ўсадиган ва арчазорлар остидаги моҳларда ўсадиган пильтигера сингари баргсимон лишайникларнинг пластинка шаклидаги талломини, субстратта остидан чиқсан интичка ризоидсимон ўсимтаси билан бирикканлиги аниқланади.

Берилган тайёр гербарийлар ёрдамида бутасимон лишайникларнинг турии вакиллари тузилиши билан танишиб чиқиши учун бизда тогларда учрайдиган клодония фимбриата, клодони хлорофеа, шамолда ўсадиган бугу лишайниги, дараҳтларнинг шоҳларини ўраб олиб цастта осилган холда шимолий ўрмонларда ўсуви ёlli лишайник уснеа барбата ва бошқа турлари билан танишиб расмлари чизиб олинади.

4. Микроскоп остида лишайник талломининг анатомик тузилишини ўрганиш. Лишайникларнинг узок тарихий тараккиёти натижасида замбурутлар билан сувўтларнинг симбиоз яшашидан ҳосил бўлган организм эканлиги, уларнинг тузилишида хам акс этганлигини аниқланади. Лишайниклар анатомик тузилишига хамда сувўтларнинг замбуруг тўқимасида жойлашганига қараб икки гуруҳга: гомеомер ва гетеромер лишайникларга эга.

Гомеомер лишайниклар гуруҳига гоят содда тузилган, тошли ерларда, текисликларда ва адирларда учрайдиган коллема (*collema*) ни мисол қилиб оламиз. Коллема талломининг кесимини микроскопда қараганингизда унинг, асосан бир қатор ҳужайралардан тузулганлиги, уски ва остки пўстлоги борлиги, улар ўртасида

ўртасида жойлашган ва ҳар томонга кеттан гифалар орасида бир текисда тенг носток ҳужайраларининг ёки ипларнинг тарқанганлиги кўриб чиқилади .(33-расм)

Гетеромер лишайниклар анча мураккаб тузилган унинг кўндаланг кесими микраскопда кузатилиб, тубандагилар кўрилади:

- 1) устки пўстлоқ қатlam-битта ёки бир неча қатор паренхиматик ҳужайралардан тузилгаңдек бўлиб кўринса ҳам, аслида замбуруг гифаларининг зичланишидан ҳосил бўлганлигини кўрасиз?
- 2) гонидиал қатlam сувўтларнинг устки пўстлоқ остида жойлашган энсиз яшил қатlam бўлиб, сувўтларнинг турларига қараб, бир-биридан шаклан анча фарқ қилиш мумкин;
- 3) ўзак қатлами -чувалаган ва говак замбуруг гифаларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, гонидий қатлами остида жойлашганлиги аниқланади;
- 4) остки пўстлоқ қатлами бўлиб, унинг субстратта бириккан қисми аниқланади.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Лишайникларни ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Лишайниклар қандай белгилари асосида классификацияланади?
3. Кладония ва паремия қандай талломга эга?
4. Лишайниклар қандай усулда кўпаяди?
5. Лишайниклар қандай хужалик аҳамиятта эга?

II. ЮКСАК ЁКИ ПОЯБАРГЛИ ЎСИМЛИКЛАР (Corymbionta)

Юксак ўсимликлар ҳозирги вақтда ер юзида энг кўп тарқалган ўсимликлардан бўлиб, асосан автотроф озиқланади.

Юксак ўсимликларнинг ургочи жинсий органи уларнинг ривожланиш жараёнида вужудга келган архегон ва уругчидан иборат. Ургочи жинсий орган-архегон кўп ҳўжайрали бўлиб, унинг ичидаги тухумхўжайра жуда яхши сақланади ва ҳимояланади. Моҳлардан тортиб очиқ уруглиарнинг ҳаммасида ҳам архегон бўлади, уругчи эса фақат гулли ўсимликлардагина учрайди. Тухум ҳўжайра

уруглангандан сүнг ҳосил бўлган зигота она ўсимлик танасидан ажралиб чиқмайди, балки дастлабки тараққиётини шу она ўсимликада ўтказади.

Юксак ўсимликлар ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган спорофит ва гаметофитларнинг галланиб келиши (навсллар алмашинуви) билан ўзининг қадимги аждодлари сувўтларга узшайди. Ўсимликларнинг тараққиёт даврида уларнинг жинсий органлари бўлган архегон ва антеридийлари гаметофитда, жинссиз насл- споралари эса спорофитда ривожланади. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги шундаки, зиготадан доим спорофит ривожланади. Спорофит эса спора беради. Споралар ўсиб, фақат гаметофитта айланади, гаметофитда эса жинсий органлар-архегон ва аетеридий ҳосил бўлади.

Юксак ўсимликлар қўйидаги бўлимларга бўлинади.

1. Йўсинтоифа бўлим (Bryophyta)
2. Псилофитлар ёки ринофиттоифа бўлим (Rhyniophyta)
3. Псилоттоифа бўлим (Psilotophyta)
4. Плаунтоифа бўлим (Lycopodiophyta)
5. Кирқбўгимтоифа бўлим (Equisetophyta)
6. Кирккулоктоифа бўлим (Pterophyta)
7. Карагайтоифа ёки очиқ уруглилар бўлим (Rhipidophyta)
8. Магнолиятоифа ёки гулли (ёшиқ уругли) ўсимликлар бўлими (Magnoliophyta)

13 мавзуу. ЙЎСИНТОИФА БЎЛИМ (Bryophyta)

Керакли материllар. Тирик мохлар политриха (*Polytrichum*), фунария (*Fuliginea*) ва торф мохи (*Sphagnum*), шунингдек юқоридаги мохлар гербарииси, поя ва баргнинг кўндаланг кесигидан тайёрланган микропрепаратлар, эркак ва ургочи гаметофитлар, ҳамда спорогонийларнинг бўйига кесиги.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Йўсинларнинг тараққиёт циклида ҳам, бошқа юксак ўсимликлар сингари икки босқич (фаза) галланади гаметофит (1) ва спорофит (2). Бироқ бошқа юксак ўсимликлардан фарқи, уларда гаметофитнинг устунлик қилишидир. Шунинг учун ҳам йўсинларда эволюцияда мустақил алоҳида йўналишига эга, деб қаралади.

Гаметофит новдага ўхшаш бўлиб, каулидий ва филлидии ёки баргсимон талломига (шартли равища уларни "поя" ва "барг" деб аталади) бўлинган бўлади. Илдизи йўқ. Улар вазифасини ризоидлар (бир ёки кўпхужайрали) бажаради.

Йўсинтоифалар бўлимида спорогон - деб аталувчи спорофит гаметофитта боғлиқ бўлиб, у оёқчага ва унинг учки қисми шарсимон ёки цилиндрик кўсакча блан тутгалланади. Унинг ичида эса споралар ҳосил бўлади. (34-расм).

Спорогон гаметофит билан мустаҳкам боғлаган бўлиб, ундан сув ва ҳаёт учун муҳум бўлган озиқ моддаларни олади. Гаметофит ва спорогонлар умумий танасининг катталиги 60 см.гача бўлиши мумкин.

Бўлим 35.000 турга эга бўлиб, бир неча синфлаога бўлинади.

1. Антоцеритсимонлар (*Anthocerotopsida*)
2. Жигарсимонлар (*Hepaticopsida*)
3. Поябаргли ёки ҳақиқий моҳсимонлар (*Bryopsida*)

Поябаргли моҳсимонлар синфи ўз йўлида яна 3 та синфчага бўлинади - Андреякабилар, Сфагнумкабилар (торф) ва яшил моҳкабилар.

Моҳларни аниқлашда асосан спорогоннинг тузилиши, шунингдек гаметофит вегататив органларининг тузилиши ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳам гербариyllар тайёрлашда спорага эга бўлган моҳлар йигилади.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Кузатиш учун 2-3 тур, бир-биридан яхши фарқланадиган ва хилма-хил экологик шароитда тарқалган моҳ вакиллари олинади (фунария ва торф моҳи ёки какку зигири).

2. Турларни бир-бирига тақдослаб тўлиқ изохланг ва расмларни чизинг. Бунинг учун тайёрланган ёки доимий препаратлардан фойдаланилади.

3. Ўрганилган турлардан бирининг тараққиёт циклини ифодаланг (схематик).

ИШ ТАРТИБИ:

Иш препарат тайёрлашдан бошланади. Кўсакча ҳулланиб, сўнгра скальпель билан бўйича кесилади,

қопқоқча эса тушиб кетади. Ярим күсакча (чаноқча) икки томондан күриш қурай қилиниб, буюм ойнасига қоплагич ойна ёпилади. Бунда перистоманинг ташқи ва ички тузилишини кузатиш мумкин. ҳалақит бермаслик учун споралардан тозалаш мумкин.

Барг эса пинцет билан узиб олиниб, сув томизилган буюм ойнасига қўйиб, қоплагич ойна ёпилади. Керак бўлса, баргнинг бўйига кесиги тайёрланиб, ички тузилиши кузатилади.

Ўсимлик ва тайёрланган препаратлар тўлиқ кузатилиб, улар изохланади ва аниқлагич воситасида аниқлашга ўтилади.

Бунда асосий эътиборни гаметофитта, яъни у бир уйлик ёки икки уйлик эканлигига, новда шаклига (тик ўсувчи, ётиб ўсувчи ёки қисман ётиб ўсишига) ташқи қиёфасига (шохланиш турларига) поянинг микроскопик тузилишига, шунингдек барг морфологиясига, ҳолатига эътибор берилади.

Сўнгра спорогон тузилиши, жойлашиши (геметофатта нисбатан), унинг оёқчаси (борми, йўқми) чаноқча ёки кўсакчасининг қопқоқчага эгалиги, эга эмаслиги, очилиш услублари, қопқоқчалар шакллари ва перистомларнинг оддий ёки қўшалоқлиги кабилар аниқданади.

Биз наъмуна сифатида гигрометрик ғунария мохини кўриб чиқамиз (*Funaria hydrometrica*).

Бу мох вакили жуда кенг тарқалган бўлиб, зах ва соя жойларда кўп учрайди. (35-расм)

Гаметофитнинг катталиги 1-3 см.бўлиб, барглари какку зигири баргига нисбатан анча кенг, юмшоқ, қинга эга эмас, барг япроқларининг чети бутун. Поядаги ўтказувчи боғламлар флоэма ва ксилемаларга дифференцияланган эмас.

Спорогон оёқчалари буралган. Агарда уни бироз намланса, ёки унга нафас олиб ҳаво чиқарсак, тез бурاما ҳаракатта келиб кўсакчаларни (чаноқларни) айлантириши кузатилади. Бу эса спораларни сочишга мосланишdir. Кўсакга қисман қия эгилган. Бўйин қисми аниқ ажралмаган. Қўш перистомли, ташқи перистома тишчалари юқори томондан ўзаро туташган. Етилган кўсакча қопқоқчаси ҳалқача воситасида, кўсакча танаси билан туташган бўлади ва шу ердан узилиб қопқоқча ажралади. Агар очиқ кўсакчага пулланса, перистома

тебраниши ва перистомалар тишчаларни орасидан спораларнинг отилиши кузатилади.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Йўсинтоифа бўлим вакилларининг қандай тузилиши, хаётий циклининг ўзига хослиги, уларнинг сувўтларига яқинлигидан далолат беради?
2. Нима учун ўсимликлар эволюциясида моксимионлар бўлими алоҳида йўналишига эга, деб қаралади?
3. Бўлим классификацияси нимага асосланади?
4. Моршанциялар ҳаётий цикли қандай?
5. Фунария моки қандай ўзига хос белгиларга эга. (36-расм).
6. Сфагнум моки қандай тузилишига асосан приметив ҳисобланади? (36-расм).

14 мавзу. ПЛАУНТОИФАЛАР БЎЛИМ (*Lycopodiophyta*)

Керакли материаллар: чўкмоқ плауни (*Sycopodium clavatum*) ва селагинелла туркумидан (*Selaginella selaginoides*)нинг гербарииси ва бу плаунлар спора сақловчи бошоқчаларининг бўйига кесигидан тайёрланган доимий микропрепаратлар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Плаунлар спорофитининг ўзига хос белгилари – майдо, баъзан тангачасимон бир-бирига зич жойлашган баргларга (микрофилларга) эга бўлишидир. Бу бўлим вакиллари яхши шаклланган илдизга, пояга эга бўлиб ўтсимон ёки ёғочлашган. Поя ва илдизнинг шохланиши учки. Бўлим асосан икки синфга бўлинади.

1. Плаунсимонлар (*Lycopodiopsida*) ва Полушниксимонлар (*Jsoetopsida*). Биринчи синф вакиллари асосан бир хилдаги споралар ҳосил қиласа, иккинчи синф вакллари эса катта-кичик ҳар хилдаги споралар ҳосил қиласди, шунинг учун ҳам гаметофитлари айрим жинсли. (37-38-расм)

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Маълум бир туркум турини морфологик изоҳлаш ва уни тузилишини (барг, спорофилли бошоқча ўқи, спорангияли спорофиллар ва спора) чизиб олиш.

2. Плаун ва селагинелла спорасининг униб чиқишидан бошлаб спорофит ва уни спора сақловчи бошоқча ҳосил бўлишигача кузатиладиган ўзгаришлар, ҳаётий циклларини схематик ҳолда ифодалаш, уларни таққослаш.

ИШ ТАРТИБИ:

а) Плаунларнинг ўзига хос белгиларини чўқмон плауни мисолида кўриб чиқамиз. Бу плаун доимий яшил бўлган 2-3 метр, ётиб ўсувчи ва ундан вертикал шохланган новдага эга ўсимлик бўлиб, игнабаргли ўрмон зонасида кент тарқалган. Пояси юмолоқ, барглар кетма-кет жойлашган. Барг пластинкаси чўзинчоқ бўлиб, узун ингичка тола билан туталланганлиги кузатилади.

Сўнгра спорасақловчи бошоқча тузилиши, жойлашиши билан танишамиз. Бошоқчалар узун оёқчада 2 тадан, баъзи холларда эса 3-5 тадан жойлашган. Бошоқ цилиндр шаклида бўлиб, ўқ ва унда зич жойлашган спорофиллардан иборат Спорофиллар шакли ва тузилиши жихатидан вегетатив барглардан фарқланади. У танга-асимон учбурчак шаклда бўлиб, учи бир оз тепага қараган, ўткир учли.

Кузатиб бўлингач, бошоқчанинг бир қисми, спорангияли спорофил чизиб олинади. Бошоқчанин тузилиши мавжуд бўлган доимий препарат орқали ҳам кузатиш мумкин.

Ундан сўнг эса спора тузилиши ўрганилади. Бунинг учун спорангий эзилиб, ундаги спорани буюм ойнасига тўкилади ва микроскоцда кузатилиб чизиб олинади. Бунда спораларнинг ҳаммасини бир хилда, майда эканлигига аҳамият беринг.

б) Худди шу тартибда ҳар хил спорали плаунларнинг маълум бир тур вакилини кузатинг.

в) Икки синф вакилларидағи асосий фарқлар ва ўхшашликлар нималарда эканлигини аниқланг ва уларни тараққиёт циклида кўрсатинг.

ТЕКІШІРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Чүкмөқ плаунининг ҳәёттій цикли қандай? Унда диплофаза ва гаплофазалар нисбати қандай?
2. Спора сақловчы бошоқчалар қандай тузилишига эга.
3. Плаунсимонлар ва полуушниксимонлар синфи вакиллари қандай белгилари билан бир-биридан фарқланады.
4. Хар хил спорага эга бўлишнинг эволюцион аҳамияти нимада?

15 мавзу. Қирқбўгимтоифалар бўлим (Equisetophyta)

Материаллар. Дала қирқбўгим (Equisetum arvense) ёки ўтлоқ қирқбўгинининг (E.Pratensis) тирик ва гербарий намуналари. Уларнинг спиртда сақланган ёки қуритилган спора сақловчы бошоқчалари, шунингдек спорали бошоқчанинг бўйига кесигидан тайёрланган доимий микропрепаратлар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Қирқбўгимлар спорофитининг ўзига хос белгилари поя ён навд^{*}-арининг мутовка ҳолида жойлашганилигиди^{**}. Барглари ҳам мутовка ҳолда жойлашган бўлиб, бўгин ва бўгин оралиқлари аниқ сезилади. Барглари майдада (микрофилля) редукцияланган, битта ўрта томирчага эга. Спорангиялари эса спорофилларида жойлашган бўлиб, бошоқчаларга тўплантган. (39-расм).

Девон ва палеозой эраларида бу бўлимнинг кўпгина вакиллари дараҳтсизон бўлиб, кенг тарқалган. Ҳозирги кунда бу бўлимнинг фақаттана битта қирқбўгинсимонлар синфи, бу синф эса фақаттана битта қирқбўгинлар (Equisetum) туркумига эга. Бу туркум 30 ортиқ турга эга бўлиб ҳаммаси ўтсимон ўсимликлар.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Туркумнинг бир турини тўлиқ ифодалаш (морфобиологик ва систематик белгилар)
2. Спора сақловчы бошоқчанинг (поянинг) тузилишини ўрганиб чиқиб, чизиб олиш ва уларни белгилаш.

3. Микроскоп остида дала қирқбұтими спораларини күзатыши.

4. Схема ҳолда қирқбұтимлар тараққиёт (хаётий) циклини ифодалаш.

ИШ ТАРТИБИ:

Нағында сифатида республикамизда көңг тарқалған ва аниқлаш осон бұлған түр дала қирқбұтим. (E. arvense) ни олиш мүмкін. Гербарий намуна асосан спора ҳосил бұлиш даврида йигилади.

Дала қирқбұтимининг спорофити-күп йиллик, илдіз пояли, үт үсімілік бұлиб, илдізіпоя тутанакларга зета. Улар ёнгоқ катталиғида бұлиб, запас қрахмал түплайды. Асосан 2 хил новда ҳосил қылади-эрта баҳорғи споралар ҳосил қылувчи поя споралар етилағач қурийди ва кечбахорғи (ёзги) уларда споралар ҳосил бұлмайды, улар ёзғи вегетатив новдалар деб номланади. Улар вегетация давомида фотоситез натижасыда илдіз пояга запас озиқ моддалар түплайды (40-расм).

Спорали новда құнгир тусда бұлиб, хлорофилсиз шохланмаган, бүйі 15-30 см. Бұтимлар шакли ұзғарған барғ қынлари билан қолланған. Поянинг учки қисми спора ҳосил қылувчи бошоқча билан туталланади. Вегетатив (ёзги, стериль) навдалар эса, яшил, шохланған. қини цилиндриксимон, тищчалари эса ланцет-бигизсимон.

Микроскоп ёрдамида спиртде фиксиранған, ёки тирик спорали бошоқча күзатылади. Бошоқчанинг юқори қисми учли. Спорасақловчы бошоқча-үқ ва унга маҳсус оёқча воситасыда туташған б қирралы қалқончага, уннинг пастки қиррасига жойлашған, қопчасимон спорангияларға зета спорангияларда күп сондаги споралар етилади.

Споралар тузилишини үрганишда маҳсус тайёрланған препараттардан фойдаланылади. Бунинг учун құритилған бошоқча буюм ойнаси устига қоқылади (силкитилади). Буюм ойнасига устига түшінілген озгина бир хилдаги спораларға қоплагич ойна ёпілмай (сүв ҳам томизилмайды) микроскоп остида күзатылади.

Спорадерма уларда З қаватдан иборат бұлиб, янын экзина ва интинадан бошқа, яна ташқи қават перина бұлиб, ундан спораларнинг етилиш даврида иккита спираль лента - элатериялар шаклланади. Агар спораларни номиқтириб микроскоңда күзатылса, намлық таъсирида элатериялар

буралиб қолғанлигини кузатамиз. Умуман олганда бизга маълумки элатериялар спораларни тўда бўлиб согилишини таъминлайди. Споралар ташқи кўриниши жиҳатдан бир хилда бўлгани билан, баъзи бир спорадан эркак гаметофит шаклланса, баъзи биридан эса ургочи гаметофит шаклланади. Шунинг учун ҳам элатериялар аҳамияти катта.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Қирқбўтимтоифалар бўлимнинг ўзига хос белгилари.
2. Дала қирқбўтимининг ҳаётий цикли тушунтириш.
3. Қирқбўтимлар генератив ва вегетатив невдаларининг тузилиши, фарқи, вазифалари.
4. Дала қирқбўтимининг гаметофити қандай тузилишга эга?

16. мавзу. ҚИРҚҚУЛОҚ ТОИФА БЎЛИМ (*Polypodiophyta*)

Материаллар: 1. Эркак қирққулоқ (*Dryopteris filix mass*), зухра соч (*Adiantum capillus-veneris*) каби қирққулоқлар тирик ёки гербарий намуналари.

2. Сузувчи сольвания (*Salvinia natans*) гербарийси ва шунингдек соридияли вайи кесигидан тайёрланган доимий микропрепаратлар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Бу бўлимнинг ўзига хос хусусиятлари баргларининг йирик (мегафилля)лиги илдиз системасинимг яхши шаклланганлиги ва спора сақловчи бошоқчаларнинг бўлмаслигидир.

Ўзбекистон ҳудудида қирққулоқларнинг фақаттина ўтсимон вакилларигина учрайди. Бўлим 10000 ортиқ турга эга бўлиб учта синфга бўлинади.

1. Ужавниксимонлар
2. Маратиясимонлар
3. Полиподиясимонлар ёки ҳақиқий папоротниклар, бу синф иккита қабилага бўлинади.
 - 1) Полиподиянамолар
 - 2) Сальваниянамолар

Хозирги кундаги мавжуд бұлған күпчилик қирқүлоқтар спорангияси іопқа қобиқта эга бұлиб, ҳалқа шаклида ёрилади. Спорангияда асосан 64 та спора етилади. Баъзи бир синф вакиларида бир хилдаги споралар ҳосил бұлса (эркак қирқүлоқ), баъзи вакиларида эса хар хил споралар (катта-кичик) ҳосил бұлади, (сув қирқүлоқлари).

Күпчилик вакиларининг пояси қисқа бұлиб, барғи фақат юқори томонидан шаклланады, құшымча илдизлар эга пастки томонидан ҳосил бұлади. Спорангийлар эса асимиляция қилювчи баргларнинг (пастки) орқа томонида жойлашған. (41-расм)

Гаметофит үсімталари эса одатда бир қават ҳужайралардан иборат бұлиб, улар ер устки, яшил.

Хар хил спора ҳосил қилювчи вакиларида эса микро ва мегаспорангиялар ҳосил бұлади, ҳар бир мегаспорангий 32 тадан мегаспора ҳосил қиласы, лекин фақат биттасигина ҳаётчанлық хусусиятiga эга.

Хар қайси микроспорангийда эса 64 тадан микроспора бұлади.

Микро ва мегаспорангийлар бир бири билан туташған споракарпияларда жойлашған бұлиб, споралар эса спорангийлар ичида үсади.

Хар хил спора ҳосил қилювчи вакиларида гаметофитларнинг редукцияланиши күзатылади. Масалан, эркак гаметофитнинг вегетатив қисми фақат иккитагина ҳужайрага эга. Ургочи гаметофит эса шунчалик кичкинәкі, уннинг бир қисми мегаспора қабигида қолади.

Бошланғич үсіш даврида спорофит-яшил ургочи гаметофит хисобига озиқланади (*Salvinia*, *Marsilla* ва бошқа)

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Кеңг тарқалған турлар гербаријиси ва тирик қирқүлоқ нағынанары билан танишиш ва улар морфологик белгиларини таққослаш.
2. Бир түрни тұлиқ текшириш (зухра сочи ёки эркак қирқүлоқ), изох бериш ва чизиб олиш.
3. Микроскоп остида соруслар күндаланғ кесигини күриш ва барг сорус қисмларини чизиб ифодалаш.
4. Бир хилдаги ва хар хил спора ҳосил қилювчи қирқүлоқтар ҳаёттій тараққиётини схематик күрсатиш .

ИШ ТАРТИБИ:

Наъмуна тарақисида эркак қирқүлоқ тузилиши билан танишамиз. (*Dryopteris filix-mas*) Бунинг учун спора ҳосил қилиш даврида йигилган гербарийдан фойдаланилади ва ўсимликнинг ҳаётий шакли, илдизпоянинг жойлашиши, шакли, баргнинг морфологик тузилиши; (сорусларнинг жойлашиши, шакли, индузий (қоплагич парданинг) бор йўқлиги кабилар аниқланади.

Эркак қирқүлоқ спорофити кўп йиллик, ўт ўсимлиги бўлиб, баландлиги 1 м.гача, ер остида йўгон, қисқа қора-кўнгир илдизпояга эга.

Йилдизпоянинг юқори учки қисмидан яшил барглар боғлами чиқади.

Барглари чўзилган эллипессимон, икки маротаба патсимон кесилган.

Баргнинг орқа (пастки) қисмида марказий томирлар бўйлаб спорангийлар тўдаси-соруслар жойлашган, улар устки томондан қоплагич индузияларга эга. Кузатилган белгилар чизиб олиниши керак.

Сўнгра соруслар кесигидан препарат тайёрланиб микроскопнинг катта-кичик объекларида кузатилади. Спораларни чиқишини кузатиш учун эса буюм ойнасига устки соруслардан ажратиб олган спорангий қўйилиб, сув томчиси томизилиб кичик объектда кузатилади.

Споралар қулай муҳитга тушгач, улардан ўсимталар ҳосил бўлади (геметофит). У икки жинсли бўлиб, яшил, 4 мм катталикда юраксимон пластинка шаклида бўлиб, ўйиқчалар атрофида архегонийлар ва ризоидларга эга бўлган қисмида эса-юмaloқ шаклдаги антеридийлар мавжуд.

Ҳар хил спорали қирқүлоқлар тузилишини сузувчи сальвиния (*Salvinia natans*) мисолида мустақил ўрганиб, тараққиёт циклини чизинг. (43-расм)

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Қирқүлоқтоифа бўлим вакиллари бошқа замонавий юксак спорали ўсимликлардан нима билан фарқланади?
2. Эволюция давомида вужудга келган қандай мосланишлар мавжуд?
3. Эркак қирқүлоқнинг гаметофити қандай тузилишга эга?

4. Хар хил спорали қирқулоқларнинг спорофит ва гаметофит тузилишидаги ўзига хос бўлган белгилар?

**17 мавзу. ОЧИҚ УРУГЛИЛАР ЁКИ
ҚОРАҚАРАГАЙТОИФА БЎЛИМ
(*Gymnospermae, Pinophyta*)**

Материаллар. Арча, кипарис ва оддий қарагайнинг тирик қуббали навдалари, гербарийлари. Турларнинг ёш чангчи ва уругчи қуббаларининг спиртдаги фиксираланган наъмуналари. Турли доимий микропрепаратлар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Очиқ уругли ўсимликларнинг ўзига хос хусусиятлари - уруг куртакчага эга бўлиши ва ундан уруг ҳосил бўлишидир. Уруг мева баргда очиқ ҳолатда бўлади, шунинг учун ҳам очиқ уругли ўсимликлар деб аталади. Уругчи гаметофит эндосперм ва 2 та архегонийдан иборат.

Бўлим бир нечта синфларга бўлинib, булар ичida иғнабаргсимонлар ёки қуббадорсимонлар синфи вакллари ниҳоятда кенг тарқалган.

Синфининг қарагайдошлар (*Pinaceae*) оиласига мансуб бўлган оддий қарагай (*Pinus silvestris*) ва сарвдошлар оиласи вакили ҳисобланган арчалар (*Juniperus*) туркумининг тузилиши ва тараққиёт циклари билан танишамиз.(44, 45 расм) Сарвдошлар оиласи ваклларининг барглари қарама-қарши ёки халқаланиб жойлашган дарахт ва буталардан иборат. Барглари кўпинча тангачасимон, баъзан эса иғнасимон, бир уйлик ёки икки уйлик ўсимликлардир. Уругчи қуббаларнинг уруг тангачаси қопловчи тангача билан қўшилиб қуббасимон қобиқ ҳосил қиласди, унинг ичida 1-3 дона уругкуртак бўлади. Микроспорафиллари қисқа ипдан ва 3-6 та микроспорангий бўлган кенгайган қисмдан иборат. Арча қуббалари резоварсимон бўлиб, шарга ухшаш, ичida 1 дан 10 тагача уруг бўлиб, иккинчи ёки учинчи йили етилади.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Эркак ва ургочи қуббаларга эга бўлган навда билан танишилади. Қуббалар тузилиши ва қисмлари ўрганилади ва чизиб олинади. (оддий қарагай мисолида)

2. Оддий қарагай ва арча қуббаларидағи фарқлар ва ўхшаш белгиларини ўрганинг.

3. Қуббадорсимонлар синфи ваклларининг барг тузилиши ва пояга жойлашиши асосида фарқ қила билиш.

ИШ ТАРТИБИ:

Эркак қубба лупада күрилади. Алоҳида спорофилл нина билан ажратиб олинниб, лупада күрилади. Спорофиллнинг остки томонида нима борлиги, макроспорангий қандай шактда эканлиги аниқланади. Спорангий ичида она ҳужайралар бўлиб, уларнинг редукцион бўлиниши натижасида тетрада ҳосил бўлади ва у тетрадалар макроспораларга айланади. Микроспораларнинг эркак гаметофитда ўса бошлиши микроспорангийда бошланади. Бу вақтда микроспора ҳужайраси кетма-кет тўртта ҳужайрага ажралади. Шу тариқа ҳосил бўлган тўртта ҳужайралан иккитаси (муртакнинг вегетатив ҳужайралари) ҳалок бўлади. Қолган иккитасидан биттаси вегетатив ҳужайра, иккинчиси антерид ҳужайрадир. Эркак муртакнинг ривожланиши давомида иккита парда-интина ва экзина пайдо бўлади. Шу вақтда микроспорангийдаги чанг сочилади. Эркак муртак иккинчи йили уруткуртакда янада ривожланади. Бунда чанг пардаси йиртилади, вегетатив ҳужайра чўзилиб, чанг найи ҳосил қиласи. Чанг найи нуцеллуснинг микропиле ҳужайраси иккига бўлинади: улардан бири-антерид деворини ҳосил қилувчиси емирилади, иккинчиси спермийларнинг она ҳужайраси яна иккига бўлиниб, иккита спермий бошлангичини беради. Қарагай спермийлари илгари ўрганилган типларнинг спермийларидан хивчинларининг булмаслиги билан фарқ қиласи. Улар чанг найининг оддинги учига ўтади.

2. Ургочи қуббанинг ўқида нима борлигини, микроспорофиллар қандай жойлашганини эътибёрга олинг. Алоҳида микроспорофиллни ажратиб олинг. Унинг юқори томонидан лупада кўринг. Микроспорофиллнинг асосида иккита урут куртак микроспороангий бор. Уруткуртакнинг микропилеяси қуббанинг асосига томон қараган бўлади. Етилмаган урут куртакда қоплагич парда (интегумент) ва нуцеллус бўлиб, ҳосил бўлиш жиҳатидан, спорангий

деворининг ҳосил бўлишига ўхшайди. Нуцеллусдан битта ҳужайра микроспоранинг она ҳужайраси ажаралади.

У редукцион бўлинади. ҳосил бўлган тўрта ҳужайрадан учтаси емирилади, биттаси қолади. Бу ҳужайра макроспорадир. Унинг ўсиши макроспорангийдан бошланади. Бунда макроспора кўп марта бўлиниб, кўп ҳужайрали танача-ургочи муртак ёки эндосперм ҳосил бўлади.

Улардан ҳар бирида биттадан тухум ҳужайра бўлган иккита архегон ҳосил бўлади. Спермий архегонга киргандан сўнг тухум ҳужайра билан қўшилиб, ургланиш процесси бошланади. Уруглнган тухум ҳужайрадан уругмуртак ривожланади. Эндоспермда (уруг муртакда) запас овқат моддалари тўпланади. Уруглангач қубба ўсади ва яшил рангта киради. Кузги қубба қўнгир рангта киради. Макроспороангийли макроспорофиллнинг расми чизиб олинади.

Кўп тарқалган нинабаргиларни қуббаси ва баргига қараб бир-биридан фарқ қила билиш лозим. Нинабаргиларни ўрганинда қуйидаги белгиларга: доимий яшиллик ёки баргининг қишида тўкилиши ёки тўкилмаслигига, барги тангачасимон ёки нинасимон бўлишига, баргининг учи ўтири ёки ўтмас бўлишига, кўндаланг кесимининг шакли, новдада барг якка ёки туда бўлиб жойлашганига, бир шоҳда нечта барг борлигига эътибор берилади. Қуббани ўрганинда қуйидагиларга (куруқми, серэтми осилиб туриши ёки тикка эканлигига, унинг шакли, узунлиги, қоплагич тангачалари чиққанми, уруги, барг қиргенининг шакли, етилганда тўкилиши ва тўкилмаслигига) эътибор беринг.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Очик урглилар ёки қорақарагайтоифа бўлим қандай белгилари билан спорали юксак ўсимликлардан фарқланади?
 2. Очийк ургли ўсимликлар ҳаётий циклини таърифланг (оддий қарагай ёки зарафшан арчаси мисолида)?
 3. Қуббадорсимионларнинг эркак қуббаси қандай тузилишига эга?
- Эркак гаметофит қандай вужудга келади?

4. Қуббадорсимонлар синфи вакиларидаи уругчи қубба тузилишини тушинтиринг?
5. Урут қандай ҳосил бўлади ва у қандай тузилишга эга?
6. Ўзбекистон ҳудудида қандай тур арчалар учрайди ва бу арча турларининг фарқлари нимада?
7. Сарвидошлар оиласининг қандай туркум вакларини биласиз?

**МАГНОЛИЯТОИФА ЁКИ ЁПИҚ УРУГЛИ (ГУЛЛИ)
ЎСИМЛИКЛАР БЎЛИМИ
(*Angeospermae*, *Magnoliophyta*)**

Ёпиқ ургули ўсимликларнинг ўзига хос белгилари уругчи ва мевага эга бўлишидир. Спорофитда споранинг ҳосил бўлиши, шакли ўзгарган новда гулда боради. Микроспоралар эса, чангчи чангдонларида шакланади, мегаспоралар эса уругчи тутунчаси ичидаи ургумуртакдан ҳосил бўлади. Эркак гаметофит-чанг икки хужайрадан иборат бўлади. Ургочи гаметофит муртак халтачаси саккизта (8) хужайрага эга. Жинсий жараён натижасида ургумуртакдан эндоспермали уруг вужудга келали. Уругчи тутунчасидан ва гулнинг бошқа қисмларида эса мева ҳосил бўлади. (46-расм)

Ёпиқ ургули ўсимликлар дараҳт, бута, чалабута ва ўт ўсимликлари бўлиб, хилма-хил экологик муҳитда кенг тарқалган. Улар табиатда ва инсон ҳаётида мухим аҳамиятта эга. Қишлоқ хўжалигидаи ўсимликларнинг деярли ҳаммаси шу бўлимга мансуб. Бўлим 250.000 дан 300.000 гача турга эга бўлиб иккита синфга бўлинади (икки ургупаллалилар ва бир ургупаллалилар).

**ИККИ УРУГПАЛЛАЛИЛАР ЁКИ МАГНОЛИЯСИМОНЛАР СИНФИ
(*Dicotyledones* ёки *Magnoliopsida*)**

Бу синfnинг ўзига хос белгилари уларнинг муртаги икки ургупаллали бўлиши; асосий илдизнинг яхши ривожланганлиги; пўстлоқда камбий қатламини бўлиши; най болгамларининг очиқлиги; гуллари 5-доирали типда бўлиши ва гулқўргонларининг кўпинча қўши кўргонли бўлишидир. Синф бир неча синчага бўлинади.

18-мавзу. Магнолиякабилар синфчаси (Magnolidae)

Магнолиядошлар оиласи (Magnoliaceae) ва

Айиқтовонкабилар синфчаси (Ranunculidae)

Айиқтовондошлар оиласи (Ranunculaceae)

Керакли материаллар: Магнолия, айиқтовон, парпи, исфаракларнинг гербариј наъмуналари. Спиртда фиксирангани гуллар, мевалар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

1. Магнолиядошлар оиласи. Бу оила 14 туркумга мансуб 240 га яқин турга эга бўлиб, дараҳт ёки бута барглари доимо яшил (АқШ) ёки тўкилади (Осиёда ўсадиган ваклларида) ўзбекистонда манзарали дараҳт сифатида ўстирилади. Гуллари йирик ва хушбуй. Магнолиянинг гул, мева ва вегетатив органларининг тузилиши ўзига хос.

Бу оиланинг асосий вакили сифатида йирик гулли магнолия (*Magnolia grandiflora*) билан танишамиз. (4ба-расм)

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Йирик гулли магнолия гербаријисидан фойдаланиб вегетатив ва генератив органлар ўрганилади.
2. Барг, гул ва унинг қисмлари, мева, уруглар расми чизиб олинади.
3. Текширилган турлар аниқданилади.

ИШ ТАРТИБИ:

Тирик материаллар етарли бўлмаса гербариј материалидан фойдаланиб, сўнгида жадвал ва расмлардан кўриб магнолия ҳақида тўлиқ тасаввурларга эга бўламиз. Магнолия ўсимлигига тўлиқ тавсиф берамиз.

Йирик гулли магнолия баланддиги 30 метрғача бўладиган дараҳт. Барглари йирик, устки томони оч яшил, остки томони қўнтири тукли. Барг ва пўстлоқларида эфир мойли ички безлар бор. Гули икки жинсли, гулқўргони йирик, гултошини гулкосачасидан ажратиш қийин, гулда баргчаларнинг сони ҳам бир хил эмас. Улар одатда оқ ёки пушти. Чангчи ва уругчилари кўп сонда. Махсус қўнгизлар

ёрдамида чангланади. Меваси-қуруқ, спирал жойлашган, күп баргчали, ёнидан очилувчи.

Барг ва ёш новдаларидан, гулларидан эфир мойи олинади. Хушбуй хидди.

Йирик гулли магномия билан лола дарахти ўсимликларини қиёсий солиштиринг.

2. АЙИҚТОВОНДОШЛАР ОИЛАСИ (Ranunculaceae)

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Айиқтовондошлар оиласи вакиллари асосан күп ийллик ва бир ийллик ўт ўсимликлари бўлиб 66 туркум ва 2000 дан ортиқ турга эга.

Барглари оддий, турли даражада қирқилган, ёнбаргчасиз. Туркумлар гул тузилиши билан бир-биридан яхши фарқ қиласи. Масалан, баъзи бир турларининг гулқўргони оддий, гул аъзоларининг сони турлича бўлиб спирал ҳолда жойлашган. (*Hepatica*, *Apetopе*) каби туркум вакилларида). Баъзигир туркум вакилларининг гул тузилиши ҳашоратлар воситасида чангланишга мослашган бўлса, *Aconitum* туркуми турларининг гулқўргони эса зигоморф ёки *Thalictrum* туркуми вакиллари шамол воситасида чангланишга мослашганлиги сабабли гулқўргонлари редукцияланган. (47,48-расм)

Бу оиласинг кўпчиллик вакиллари кучли алкалоидларга эга бўлганлиги учун ҳам медицинада кенг қўлланилади. Баъзигир туркум вакиллари (*Delphinium*) бўёқбоп ўсимликлар ҳисобланса, седана (*Nigella*) туркум вакиллари озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилади.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Айиқтовондошлар оиласи вакилларининг характерли хусусиятлари билан танишиш (гул тузилишидаги хилмажиликга алоҳида эътибор беринг).

2. Аниқланилаётган (урганилаёттан) турнинг умумий кўрининишини чизиб олинг.

3. Гул тузилиши ва диаграммасини чизинг.

4. Аниқлагичлар ёки "узбекистон флораси" ёрдамида 2 туркум вакилларини аниқлаб, уларда фарқ қиласиган систематик белгиларни кўрсатинг.

ИШ ТАРТИБИ:

Наъмуна сифатида пичанзорлар, ўрмон ва далаларда кенг тарқалган захарли айиқтовон (*Ranunculus acris*) билан танишамиз. (расм).

Бу күп йиллик баландлыги 30-100 см.гача бұлади, ён илдизлари попук илдизсимон. Пояси тик ўсувчи шоҳланған, юмалоқ, ичи бұш. Барглари оддий пояга кетмекет жойлашган. Остки барглари узун барг банды, панжасимон. Юқоридаги барглари эса қисқа барг банды ёки бандсиз.

Гуллари якка ёки 2-3 гулли симподиал түпгүлга жойлашган, актиноморф, гемициклик. Гул-косабарглари 5 та яшил ёки сарық-яшил, эркин. Гултожибарглари ҳам эркин, 5 та, сарық, остки қисміда нектардонлар мавжуд. Аңдроцей алоҳида-алоҳида жойлашган күп сондаги чанғчиларга зәга. Гинеций күп сондаги ашокарлар уругчилардан иборат.

Тутунчаси устки, бир уяли.

Гул формуласи Ca_5Co_5 . А. Г. Меваси ёнгоқча. Иш охирида аниқлагичлар воситасида оила, туркум ва турлар аниқланилади.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Айиқтовонлар туркуми вакиллари билан парни туркуми ваклларининг тарқалиш мухитларини таърифланг.
2. Медицинада құлланиладиган туркум турларининг лотинча ва маҳаллий номларини, табиатда тарқалган майдонларини аниқланг.
3. Оила гуллар үсімліклар эволюциясида қандай үрин әгаллайды.

**19 мавзу. ЧИННИГУЛКАБИЛАР (чиннигулсімовлар)
СИНФЧАСИ (*Caryophyllidae*. ЧИННИГУЛНАМОЛАР
(*Caryophyllales*) ҚАБИЛАСИ. ШҮРАДОШЛАР ОИЛАСИ -
Chenopodiaceae.**

Материаллар: Тирик ва гербариј материаллари оқшұра - *Chenopodium album*, лавлаги (*Beta vulgaris*, исмалоқ - *Spinacia* ва саксовул туркуми (*Haloxylon*) вакиллари.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Бу синфча бир нечта қабилаларга эга бўлиб, куб сондаги туркум ва турларга эга бўлган чиннингулнамолар қабиласи вакллари билан танишамиз.

Бу қабила 7 та оиласа эга бўлиб, шундан шўрадош оиласи вакллари ниҳоятда кенг тарқалган. Бу оила 1600 га яқин турга эга бўлиб ер шарининг барча қитъалаарида учрайди, чўл зонасида ўсадиган ўсимликларнинг асоси ташкил этади (черкез, боялиш, саксовул, шўрак ва ҳ.к.)

Шўрадошлар оиласи вакиллари асосан ўт, бута ва унча катта бўлмаган дараҳт ўсимликлариdir.

Барглари турли шаклда (ҳатто бир тур ичида ҳам) Гуллари кўпчилик вакилларида майда, кўримсий бошоқсимон тўпгулларга ёки тирсда тўпланган.

Гулкўргони оддий, гулласачасимон, 5 та баъзан этли ёки пардасимон, гулбаргчалардан иборат, эркин ёки қўшилган. Кўпчилиги тўтри, икки жинсли ёки бир жинсли гулларга эга. Улар 1-5 та чангларга эга бўлиб, улар гулкўргон барглари рўпарасига жойлашган. Урутсичи 1 та бўлиб, 2-5 мева баргидан тузилган битта уячага эга. Тутунчаси устки, бир уяли, шамол ёки ҳашорратлар ёрдамида чангланади. Левалари ёнгоқча ёки резовор баъзан тўпмева бўлади.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Шўралар туркумига мансуб бўлган оқ шўра (*Ch.album*) ва лавлагилар туркумига мансуб бўлган оддий лавлаги (*B.vulgaris*) ўсимлигига ботаник тавсиф беринг.
2. Ўрганилган ўсимлик турининг вегетатив ва генератив органларини, улар қисмларини чизиб олинг.
3. Икки туркум вакилларини таққослаб, улардаги ўхтиоми белгиларини ва фарқларини кўрсатинг.
4. ўрганилган оиланинг 2-3 турини аниқланг.

ИШ ТАРТИБИ:

1. Оқ шўра ниҳоятда кенг тарқалган бир йиллик бегона ўт пояси 5 қиррали. ўрта барглари навбатлашиб жойлашган ромбо шаклда, нотўтри тишчасимон. Барг ва поялари унсимон губорга эга. Барг қирралари ва юзаси микроскопда кузатилса пуфакчасимон тукчалар билаз қопланганлиги кўринади. (49-расм)

Гуллари тұда бұлиб, барг құлтиқларидаги тирс тұпгулға түпленган. Бир гул тұдасини микроскоп остида кузатсак, уларни күп сондаги майда гуллардан иборат эканлиги куринади. Гул құргони оддий косачасимон, 5 та баргчали, четлари пардасимон. Гул формуласи $P_{(5)}A_5G_{(2)}$ (баъзан бир жинсли гуллар ҳам кузатилади). Уруги қаттиқ, қора, ялтироқ, спермодермли.

2. Оддий лавлаги - икки йиллик үсімлік бұлиб, биринчи йили уругдан кенг, узун баңды барглардан иборат йирик тұпбаргли қисқарған поя ва озиқ моддалар түплайдиган йүгон илдиз "илдизмева" ҳосил бўлади. (58-расм)

Иккинчи йили эса анча узун, йүгон ва жуда серқирра поя, ҳамда тұпгүл ҳосил бўлади. Гуллари 1-8 тадан бұлиб тұда гуллар ҳосил қиласы, булаар эса ўз навбатида шингил ёки бошоқларга йигилган.

Гуллари икки жинсли, гул құргони оддий, беш баргчали, яшил, майда, остки томондан құшилған, кейинчалик ёғочланиб (қотиб) қолади. Чангчилари 5 та, тутунчаси 2-3 тумшуқчали. Меваси етилгач очилувчи күсакча.

Оддий лавлаги тури бир нечта турчаларга эга (қанд лавлаги *B. vulgaris* var.*saccharifera* сабзовот лавлаги -*B. vuldaris* var.*esculenta*; барг лавлаги - *B. vulgaris* var *cicla* ва бошқалар.

Бу оиланинг лавлаги (*Beta*), шұра (*Chenopodium*) исмалоқ (*Spinacia*), олабута (*Atriplex*) Иzenь (*Kochia*) шұрак (*Salsola*) саксовул (*Haloxylon*) каби туркүмлар турлари билан танишилади.

Үсімлік қисмлари берилған топшириқ асосида чизиб олинади ва аниқланади.

МУСТАЖКАМЛАШ ҮЧУН САВОЛЛАР:

1. Шұрадош оиласининг асосий систематик белгиларини күрсатынг ?
2. Оиланинг Узбекистон худудида қандай туркүм ва турлари кенг тарқалған ?
3. Оиланинг қайси туркүм ва турлари мәданий ҳолда экилади.
Улар қандай ажамиятта эга ?

**20 мавзу: РАЪНОКАБИЛАР СИНФЧАСИ (ROSIDAE)
АТИРГУЛНАМОЛАР ҖАБИЛАСИ (ROSALES)
РАЪНОДОШЛАР ОИЛАСИ (ROSACEAE)**

Материаллар: Малина (*Rubus*), наъматак (*Rosa*), олма (*Malus*), дўлана (*Crataegus*), гиолос (*Cerasus*) ва олхўри (*Prunus*) туркуми гулларининг гербарий наъмуналари ёки тирик объектлар. Кўрсатилган ўсимлик гулларининг спритда фиксиранган наъмуналари.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Атиргулдошлар оиласи 100 туркумни ўз ичига олиб 3000-3350га яқин турга эга. Кўпгина турлари қадим замонлардан бошлаб мевали экинлар сифатида маданий ҳолда ўстирилиб келинади. Оила ваклари дараҳт, бута за ўт ўсимликлари бўлиб, хилма-хил экологик шароитларда учрайди.

Барглари навбат билан баъзан қарама-қарши жойлашган, одий ёки мураккаб, ён барчаларга эга. Кўнсондаги апокарп гинецейларга эга бўлган вакиллари, уларни магнолиядошларга яқинлаштиради (баъзи вакларида гул қисмларининг кўп бўлиши, тутунчанинг остки бўлиши).

Умуман олганда айқтовондошлардан фарқи гул тузилишидаги мева ва урутларининг тарқалишига мосланга боришидир.

Оиланинг ўзига хос белгилари - гинецейнинг ва гул ўринларининг тузилишидир. Гул ўрни, гултожибарг гулкосабаргларнинг асоси ва чангчи иплари қўшилиб гипантнийни ҳосил қилади.

Атиргулдошлар оиласи - гул ва меваларинича тузилишига асосан 4 та оилачага бўлинади.

1. Тубулгадошлар оилачаси - *Spiraeoideae*. Бута, барглари оддий. Гули майда бўлиб шингил ёки қалқонсимон тўпгула тўпланган. Гул ўрни ясси ёки қисман ботиқ. Меаси мураккаб баргак ва қўсакча мевага эга. Гул формуласи $\text{Ca}_{(s)}\text{Co}_5\text{A}_5\text{G}_5$. Бу оилачанинг кенг тарқалган турлари - тукли тубулга, балжуан тубулга ва бошқалар. (51-расм)

2. Наъматакдошлар оилачаси - *Rosoideae*. Бута ва ўт ўсимликлар бўлиб, барглари асосан мураккаб ёнбаргчаларга эга. Гул тузилиши турли туркумларида

турлича. Баъзи вакллари остики косачага ҳам эга (гозпанжа, қулупнай). (52-расм)

Гинецей күп сонда бўлиб, апокарп. Гул формуласи $\text{Ca}_{(5+5)}\text{Co}_5\text{A}_-\text{G}_-$. Наъматак туркуми ваклларининг гул формуласи $\text{Ca}_5\text{Co}_5\text{A}_-\text{G}_-$. (52-расм)

3. Олмадошлар оилачаси - Rosoideae. Бу оилача вакллари дараҳт ва бутгалар бўлиб, барглари асосан оддий баъзан мураккаб. Гули беш бўлакчали, гултожининг гултожибарглари одатда бешта. Гинеций синкарп. Гул ўрнининг қадаҳ шаклида бўлиши ва тугунчанинг остики бўлиши бу оилачанинг ўзига хос белгиси ҳиобланади.

Гул формуласи - $\cdot \text{Ca}_{(5)} \text{C}_5 \text{A}_-\text{G}_{(5)}$. Меваси олмасимон мева деб аталади. Бу оилачага - олма, нок, беҳи, дўланя, четан каби туркум вакиллари мисол бўлади. (54-расм).

4. Олхўридошлар оилачаси (Prunodeae). Бу оилача вакллари дараҳт ва бута ўсимликлари бўлиб, барглари оддий, гул ўрни бироз ботик мевабарглари битта. Гул формуласи $\cdot \text{Ca}_{(5)}\text{Co}_5 \text{A}_-\text{G}_1$. Меваси-данак (қуруқ ёки ҳўл). Бу оилачанинг гилос (Cerasus), ўрик (Armeniacas), шофтоли (Persica), бодом (Amygdalus) каби туркум вакиллари кенг тарқалган бўлиб, бодорчиликда катта аҳамиятга эга.

(55-расм)

ТОПШИРИҚ:

1. Ҳар бир оилачага мансуб бўлган туркум ваклларини диққат билан ўрганиб, уларга ботаник таъриф беринг.

2. Ўрганилаётган туркум ваклларининг барг, гул ва гул қисмларини, меваларини ўрганиб, чизиб олиш.

3. Аниқлагичлар ёрдамида ўсимликларни аниқлаш (систематик белгилар асосида)

ИШ ТАРТИБИ:

Оила вакилларининг гулларини ўрганиш вақтида турлича шакллардаги қабариқ ясси ва ботик гул ўрнига эга эканлигига зътибор беринг. Қабариқ ва ясси гул ўрнига эга бўлган гулларнинг косабарглари, тожбарглари ва чангчилари уругчиларнинг остида жойлашганлиги кузатилади. Ботик шаклдаги гул ўрни чеккаларининг ва косачабаргларнинг остики қисмларини қўшилиб кетиши

натижасида гипантийлар (ҳар хил шаклдаги ўймалар) ҳосил қиласи. Гипантый асосига ёки унинг чеккаларчига ургучиларнинг бирикишини кузатилади.

Гулга ён томонидан қаранг. Гипантый ҳосил қилганми? Шакли қандайдигини аниқлаш учун гулни бўйига кесиб кўрилади. Тутунча ҳолати аниқланади, меваси билан танишилади. Мева ҳосил бўлишида гулнинг қайси аъзолари иштирок этганилгига эътибор берилади.(53-расм)

Оиласа харакъеристика берилганда ҳаёт формалари, баргларининг типлари, гулбаргчаларнинг бўлиши ёки бўлмаслиги, баргларининг жойлашиши, тўпгул типлари, гуллари тўгрими ёки қийшиқми, гул аъзолари сонини таққосланг.

Энг муҳим, хўжалик аҳамиятига эга турларга таъриф беринг.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Раъндошлар оиласининг асосий систематик белгилорини айтинг.
2. Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган олмадошлар оиласининг асосий туркум ва турларининг лотинча ва маҳаллий номлари ва уларга таъриф.
3. Наъматакдошлар оиласининг маданий ҳолда экиладиган турларига ботаник таъриф беринг.
4. Олхўридошлар оиласининг ёввойи ва маданий ҳолда ўсадиган ваклларига таъриф.

21-мавзу. Аралианамолар қабиласи (*Araliales*) Зирадошлар (Соябонгулдошлар) оиласи (*Apiales*).

Материаллар: Гербарий намуналари ёввойи сабзи (*Daucus carota*), сельдер (*Apium graveolens*), укроп (*Anethum graveolens*), петрушка (*Petroselinum sativum*) ва бошқалар. Шу ўсимликлар меваси, спиртда фиксиранган гуллари.

Умумий тушунча:

Бу қабила вакиллари асосан ўт ўсимликлари бўлиб, тропик, субтропик ҳудудларда оз бўлсада дарахт ва буга шакллари ҳам mavужуд. Барглари мураккаб ёки майда бўлакларга бўлинган, баъзан бутун, ёғбезчали. Гуллари тўтри ёки қисман тўгри, майда бўлиб, мураккаб соябонга

түпланган (баъзан каллакча түпгулига эга). Тугунчаси доимо остки.

Қабила еттига оиласа эга бўлиб, шундан зирадошлар оиласи 300 та туркум, 3000 дан ортиқ турга эга бўлиб, баъзи турлари хўжалик аҳамиятига эга.

Оиланинг кўпчилик вакиллари бир йиллик ва кўп йиллик ўт ўсиликлар бўлиб, поясининг ичи говак, қирқилган (бўлакларга бўлинган) барглари қин воситасида пояга туташади. Тўпгули асосан мураккаб соябон. Гуллари актиноморф, косача барглари редуцияланган, 5 та эркин. Гинеций синкарп, икки мевабаргдан иборат, тутучаси остки. Меваси осилма мева.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Ёввойи сабзи, укрон ва сельдер туркум вакилларининг поя тузилишини (Эгатчалар бор – йўқлигини, кўндаланг кесиги шаклларини, тукланиш характерларини) аниқлаш.
2. Кўрсатилган турларнинг барг шаклларини, тўпгул типларини, ўрама баргларининг бор йўқлигини ўрганиш.
3. Гул тузилишини ва меванинг шакли ва тузилишини ўрганиб, турларни умумий таърифлаш.
4. Ўрганилган тур ўсимлигининг умумий кўринишларини тўпгул, гул ва унинг қисмларини ҳамда мевалар куинишини чизиб олиш.

ИШ ТАРТИБИ:

Мисол тариқасида ёввойи сабзи билан танишамиз. Ёввойи сабзи кенг тарқалган икки йиллик begona ўт бўлиб, баландлиги 50-100 см, ўқ илдизли ўсимлик. Асосий илдиз биринчи йили йўғолашиб, илдиз-мева ҳосил қиласи. Иккинчи йили эса шохланиб тик ўсан поя ҳосил бўлади. Поя кўндаланг, кесиги юмалоқ-қиррали бўлади. (бба-расм)

Биринчи йилги илдизолди тўп барглар ҳосил бўлса, иккинчи йили эса барглари пояга навбат билан жойлашган бўлиб, баргларининг асоси кенгайиб, пояни ўраб оладиган қинларга эга бўлади. Барглари 3-2 маротаба кесилган, энсиз.

Тўпгули – мураккаб соябон, ўрама баргчаларга эга. Соябондаги гуллар бир хил эмас, ўртадаги гуллари – актиноморф, бўлса четдаги гуллари эса – зигоморф. Косача барглари редуцияланган, унча катта бўлмаган 5 та тишчалардан иборат.

Гул формуласи $\text{Ca}_{(S)} \text{Co}_5 \text{As}_5 \text{G}_{(2)}$

Меваси юмшоқ қисман ён томондан сиқилган.

Мева кўндаланг кесимидан перепарат тайёрланиб, у микроскопнинг кичик сўнгра катта объективидв ўрганилади. Уруг эндоспери ва у ўраб турган кичик муртак кузатилади.

Ўрганилган ва кузатилган ўсимлик қисмлари чизиб олинади ва сўнгида аниқлагичлар воситасида оила вакиллари аниқланади.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Арапиагулномалар қабиласининг ўзига хос белгилари нималар?
2. Қабила қандай оиласарга эга? Бу оиласарнинг қандай туркум вакилларини биласиз?
3. Зирадошлар оиласи қандай систематик белгиларга эга?
4. Оиласининг маданий вакилларига тариф беринг?

22 мавзу. БУРЧОҚНАМОЛАР ҚАБИЛАСИ.

Fabales

Дукақдошлар (бурчоқдошлар) оиласи. Leguminosae, (Fabaceae).

Материаллар: Гербарий намуналари: Ўтлоқ бурчоги (*Lathyrus pratensis*) (*Caragana arborescens*), экиладиган нўхот (*Pisum sativum*), экиладиган беда (*Medicago sativa*), ширин мия (*Clycyrrhiza glabra* ва афсонак (*Thermopsis*), себарга (*Trifolium*) туркуми вакллари.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Бу қабила вакиллари дараҳт, бута, чалабута, лиана ва бир йиллик, кўп йиллик ўт ўсимлеклари бўлиб ер юзасида кенг тарқалган.

Қобила фақат биттагина бурчоқдошлар ёки капалакгулдошлар оиласига эга бўлиб, 650 туркум, 18000 турга эга ва у учта оилачага бўлинади: цезальпиндошлар (*Caesalpinoideae*), мимозадошлар (*Mimosoideae*) ва капалакгулдошлар (бурчоқдошлар) (*Papilioideae*).

Бурчоқдошлар оилача вакллари асосан тропик иқлимга эга бўлмаган худудларда кенг тарқалган бўлиб, қабиладе асосий ўрин эгаллайди.

Мимозадошлар оилачаси асосини тропик ва субтропик худудлардаги дараҳт ўсимлеклари, буларнинг ўзига хос белгилари гулларининг актиноморф бўлишидири. Чангчилари эркин (акация - *Acacia* туркум вакиллари).

Цезальпиндошлар оилачаси дараҳт, бута ва лианалар бўлиб, тропик миңтақаларда тарқалган ўсимликлардир. Баъзи вакллари бизда маданий ҳолда ўстрилади.

Масалан, яхуды дараҳти (*Cercis siliquastrum*), ўткирбаргли сано (*Cassia acutifolia*) ва бошқалар (56,57-расм).

Бу капалакгулдошлар оилача ваклларининг гуллари шингил, соябон ёки каллак (бошча) шаклдаги тўпгулга йигилган. Косяча барглари қўшилган, 5 тишчали, актиноморф ёки зигоморф. Капалаксимон гул қўргон 5 та гултожибаргларга эга бўлиб, уларнинг 3 таси эркин (елкак ва 2 та эшкак) ва иккитаси қўшилиб қайиқчани ҳосил қиласди.

Бурчоқдошлар оиласининг баъзибир туркум ваклларини аниқлашда чангчилар тузилиши муҳим аҳамиятта эга. Софора, афсонак туркум ваклларида барча 10 та чангчи эркин. Бошқа туркум ваклларида эса ҳамма 10 чангчилар чанг или қўшилиб найча ҳосил қиласди (*Supinus, Genista* ва бошқа туркум вакилларида).

Оилачанинг кўпчилик вакилларида 9 та чангчи иплар қўшилиб найча ҳосил қилиб, биттаси эркин ҳолда бўлади (нұхат, беда, себарга ва бошқалар).

Меваси - дуккак. (58- расм)

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Дукақдошлар оила вакилларидан вегетатив ва генератив органларининг тузилиши жиҳатдан фарқланувчи турларни ўрганиш, систематик белгиларини таққослаш, уларни тасифлаш.
2. Тасифланган турнинг поя, барг гул ва гул қисмларини, мевасини чизиб олиш.
3. Аниқлагичлар ёрдамида оила, туркум ва турларни аниқлаш (яхди дараҳти, беда, караган, афсонак, ерёнгоқ ва янтоқ.)

ИШ ТАРТИБИ:

Мисол тариқасида маданий ҳолда экиладиган беда (*Medicago sativa*) ёки ўрмаловчи себаргани (*Trifolium repens*) оламиз.

Беда кўп ийллик ўт ўсимлиги бўлиб, бўйи 40-80 см, ўқ илдизли, илдизда азот тўпловчи бактерияларга эга бўлган тутанаклар мовжуд. Тик ўсуви, шохланган пояларда

мураккаб, З япроқчали барглар кетма-кет жойлашган. Гуллари зигоморф, құш гулқұргонға зәға бұлып шингил түпнұлға тұпланған. Меваси – спиралсімөн ұралған? дүккәк.

Гул формуласи құйидагича $\text{Ca}_{(5)} \text{Co}_{3+(2)} \text{A}_{(9)+1} \text{G}_1$

Әңг мұхым түркүмларнинг хұжалик аҳамиятiga зәға бұлған турларини күрсатынға ва уларға ботаник таъриф беріб, аниқлагиңдар ёрдамида 2-3 турни аниқланғ. (ем-хашак, доривор, оқиқабол турларни).

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Капалакгүлдошлар кенже оиласининг үзига хос қандай систематик белгиларга зәға?
2. Оиласининг бир йиллик үсимлиқ сифатыда маданий ҳолда экиладиган түркүм ва турларига таъриф беринг.
3. Республика мизда фармоцевтика саноатида құлланиладиган турларни күрсатынғ.
4. Мева типлари ва уларнинг хұжалик аҳамияти нимада?

ГУЛХАЙРИКАБИЛАР СИНФЧАСИ (Dilleniidae)

23 мавзу: ГУЛХАЙРИНАМОЛАР ҚАБИЛАСИ (Malvales) ГУЛХАЙРИДІШЛАР ОИЛАСИ (Malvaceae)

Материаллар: Кең тарқалған түркүм вакллари гербарииси (гүза – Gossypium, каноп -Hibiscus, тутмачагул – Malva, гулхайри – Althaea ва бошқалар).

ҮМУМИЙ ТУШГУНЧА:

Қабила 11 та оиласи үз ичига олиб 248 түркүмга, 4000 дан ортиқ түрга зәға. Құпчилик оила вакллари асосан тропик минтақаларда тарқалған. Гулхайридошлар вакллари зса бошқа минтақаларда ҳам учрайди. Бу оиласининг баъзибир вакллари табиий ареалларидан ташқи ҳудудларда ҳам маданий ҳолда экилади. Бу турлар тропик мамлакатларда дараҳт ёки бута үсимлиги бұлса ҳам, ареалидан ташқары ҳудудларда бир йиллик үсимлиқ сифатыда ҳам үстирилади (гүза- табиий ҳолда бута үсимлиги бұлғын, күпгина ҳудудларда бир йиллик үсимлиқ сифатыда экилади) (59 расм).

Гуллари құш жинсли, асосан актиноморф, құшгүлкүргонли. Косачабарглари құшилиб үсган күппинча икki қават (остки ва устки косача баргларга зға) Чанғчилари күп сонда бұлиб, чанг иплари құшилиб үсган. Геницей синкари, мевабарглари бешта ёки күп, тутунчаси устки.

Гулхайридошлар оиласининг дараҳт, бута вакллари асосан тропик худудларда тарқалған бұлса, мұтадил ёки соvuқ иқлім минтақаларида эса - бир йиллик, күп йиллик ва икki йиллик үт үсимліклариңдір. Барглари оддий панжасимон, гуллари тұғри икki, жинсли, косача барглари бешта, қисман құшилған. Тожибарглари бешта, ярим бурама ҳолда бұлиб, остки томондан бироз үзаро туташған (чагчи найчаларининг остки қисми билан ҳам туташиб кетади).

Бу оила 85 га яқын туркүмга ва 1500дан ортиқ турға зға.

Оиланинг катта ақамиятта зға бұлған ва маданий ҳолда күплаб экиладиган туркүм - гұза (*Gossypium*) бб та турға зға. Ватани - тропик ва субтропик минтақалар. гұза тола олиш учун ишлатиладиган үсимлік бұлиб (гұза уругти устида зич жойлашған толалар) дүнёнинг күп җудудларыда экилади. Толалар (тукчалар) бир хужайрали оқ ёки сарық рангда бұлиб, узунылығы 60 мм.гача. Уругидан эса ёг олинади

Экиладиган қисқа толали гүзанинг (*G.herbaceum*), ватани Мексика; ўрта толали гұза (*G.hirsutum*) ватани Эрон ва узунтолали гұза (*G.peruvianum*), ватани - Перу.

Республикамизда толали үсимлік сифатида каноң (*Hibiscus*) туркүміга мансуб бұлған *H.cannabinus* күплаб экилади. Унинг поясидан узун, эластик тола олинади. Ватани Ҳиндистон ва Эрон. (60 расм)

Бегона үт сифатида үсуви тутмачагул (*Malva neglecta*), шунингдек тог ва тог олди минтақаларида кенг тарқалған гулхайри (*Althaea*) туркүм вакллари ҳам шу оиласа мансубдир.

ТОПШИРИК:

1. Гулхайридошлар оиласига мансуб бұлған гулхайри ёки тутмачагул ва гұза үсимлікларининг вегетатив органлари, гули, мевасининг тузилишлари билан танишиш ва тавсифий ифодалаш.

2. Хар бир кузатилган турнинг барг гул ва унинг қисмларини, шунингдек меваларини расмини чизиб олиш, гул формулаларини ифодалаш.

3. Ўрганилган турларни аниқлагич ёрдамида аниқлаш.

ИШ ТАРТИБИ:

1. Оиласининг типик вакилларини гербарий материалларидан ўрганиш. ўсиш шароитлари, барги, баргининг типи, ёнбарглари, тўпгули, гул тузилиши, гулнинг умумий формуласи ва диаграммаси, гулнинг асосида, яъни тожибаргларининг асосида нектардонларнинг борлиги, ўсимлик қандай хашоратлар билан чангланиши, чангчи ва уругчиларининг тузилиши ва уларнинг бир вақтда етилиш, етилмаслиги, мевасининг хили ва унинг тузилиши аниқланади. Шохланиш типлари: моноподиал ва симподиал шохланиши ва унинг аҳамияти, тутунчасининг ўрнашиши (устки ва остки) аниқланади. Мева типлари кўп уругли кўчакчалардан ёки битта уругли ёнгоқчалардан иборат эканлиги аниқланилади. Гулхайридошларга кирадиган ўсимликларнинг айrim турлари амалий жиҳатдан катта аҳамиятта эга эканлиги аниқлаб чиқилади.

Гербарийдан гулхайридошларга кирувчи бошқа вакллари билан танишиш ва уларга ботаник таъриф бериш.

МУСТАҲКАМАЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Гулхайридошлар оиласининг ўзига хос систематик белгилари.

2. Маданий ҳолда экиладиган оила вакиллари (туркум ва турлар) улар қандай аҳамиятта эга?

3. Республикаизда, кенг тарқалган табиий ҳолда ўсувчи турлар, уларнинг яшаш шароитлари, ҳаётий шакллари ва аҳамияти

**24 мавзу: КОВУЛНАМОЛАР ҚАБИЛАСИ (Capparales)
КАРАМДОШЛАР ОИЛАСИ (Brassicaceae) ВАКЛЛАРИ
БИЛАН ТАНИШИШ.**

Материаллар. Карам (*Brassica*) туркумининг бирор тур гербарийси ёки тирик обьект, ёввойи турп (*Raphanus raphanistrum*) ёки маданий ҳолда экиладиган турп

(*R.sativus*), шунингдек жаг-жаг (*Capsella bursa-pastoris*) ва бошқалар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Карамдошлар оиласи вакиллари асосан бир йиллик ва күп йиллик ўт ўсимликлариидир. (376-380/3200).

Оиланинг кўпгина турлари сабзовот ёки бўёқбоп, доривор, ёғли ўсимликлар сифатида маданий ҳолда ўстирилади. (карам, турп, редиска, шолғом, ўсма, горчица ва бошқалар)

Барглари оддий, кесилган бўлиб навбат билан жойлашади. Гул тузилишлари бир хилда бўлиб, шингил ёки рўвак тўпгул ҳосил қиласди. Гулкосачабарглари эркин бўлиб, тўртта, икки айланада жойлашган. Гултожибарглари ҳам 4 та, эркин (алоҳида-алоҳида) бир доирада жойлашган. Андроцейлари эса олтига бўлиб икки айланада жойлашган - 4 таси ички доирада ва 2 таси эса қисқа бўлиб, ташқи доирада жойлашган. Гинеций эса - паракарп бўлиб, икки мева баргчадан иборат. Тутунчалик устки. Меваси қўзоқ ёки қўзоқча. (61 расм)

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Оила вакларининг тузилиши билан танишиш (карам ва жаг-жаг ўсимлигининг гербари ёки тирик объектлари ёрдамида), систематик белгиларига тавсиф.

2. Ўрганилган ва тавсиф берилган ўсимлик турларини гул тузилиши, қисмларининг жойлашиши ва диаграммасини чизиш.

3. Оиланинг турли вакларида учрайдиган мевалар ва улар типини ўрганиб, солиширинг

ИШ ТАРТИБИ:

Турп туркуми (*Raphanus*) вакиллари бир йиллик ва икки йиллик ўсимликлар бўлиб, баъзилари бегона ўт (*R.raphanistrum*- ёввойи тури) бўлса, баъзилари эса сабзовот ўсимликлари сифатида экиласди.

Масалан, редиска (*R.sativus subspradicula*) ҳаммамизга маълум бўлган бир йиллик сабзовот ўсимлиги, экилган йилли ўт гуллайди.

Илдизи 3-13 см, оқ қизил, гунафша рангларда.

Ўрганиш учун редиска ўсимлигининг турли ўсиш босқичларида олинган гербарий материаллардан фойдаланилади (резетка, барг, гуллаш ва мева ҳосил бўлиш,...)

Тўпгулга эга бўлган новда, поянинг шохланиши, узулиги аниқланилади.

Барг морфологияси ўрганилиб, чизиб олинади. Тўпгуллари - ёйиқ шингил ва ундаги гул, унинг тузилиши, мева ҳосил бўлиши ва шакллари ўрганилади ва чизиб олинади.

Меваси нима сабабдан очилмайдиган қўзоқ эканлигига таъриф берилади ва кузатилганлар чизиб олинади.

Сунгида жаг-жаг, қурт эна каби турлар аниқлагич воситасида аниқланиб, редиска билан белгилари солиштирилади.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Карамдошлар оиласининг асосий систематик белгилари қандай?
2. Маданий ҳолда экиладиган туркум ва турларига тавсиф беринг
3. Республикамизда ёввойи ҳолда ғувучи, кенг тарқалган турлар ва улар қайси туркумга киради?

25 мавзу : ТОЛНАМОЛАР ҚАБИЛАСИ (SALICALES) ТОЛДОШЛАР ОИЛАСИ (SALICACEAE)

Материаллар. Оиланинг типик вакиллари гербарийси ва тирик объектлар оқ тол, (*Salix alba*) қоратол (*S.australior*) эчки тол (*S.songarica*) ва мажнун тол (*S.babylonica*), шунингдек тераклар (*Populus*) туркуми вакиларининг новдалари, тўпгуллар мевалар.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Қабиланинг толдошлар оиласи (3/400) вакиллари асосан дараҳт, бута ўсимликлари бўлиб, кўпинча икки уйли. Гуллари ҳамма вақт бир жинсли, гулқўргонсиз ёки редукцияланган. Толларнинг чангланиши асосан ҳашоратлар ёрдамида ўтади. Гули хушбўй, нектарларга эга. Тераклар (*Populus*) туркуми вакллари эса шамол

воситасида чангланади, гулларида нектар бўлмайди, чанглар шамолда тарқалишга мослашган.

Гуллари кучаласимон тўпгулларга тўпланган. Меваси икки паллали кўсакча, уругида эндосперм бўлмайди, оқ туклардан иборат учмаси бор.

Бу оиласинг толлар ва тераклар туркуми кенг тарқалган (62 расм)

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Оиласинг типик вакили ҳисобланган тол ва терак туркум вакларидан бирини тўлиқ ўрганиш ва уларга таъриф бериш.

2. Ўрганилган тола ва терак турининг вегетатив органлари, тўпгули ва гул тузилишларини ўрганиб, уларни чизиб олиш.

3. Аниқлагичлардан фойдаланиб тол ва теракнинг бирор бир турини аниқлаш

4. Толлар, тераклар туркуми вакилларининг ўхшаш ва фарқланувчи белгиларни ажратинг.

ИШ ТАРТИБИ:

Сув тол (*Salix vilhelmsiana*) ёки кўк тол (*S. coerulea*) ва оқ терак (*Populus alba*) каби оила вакиллари 1:2 барий ёки фиксация қилинган материллар ёрдамида ўрганилади (62 расм).

1. Тўпгулни гербарийдан ўрганишда гуллаши, шу ўсимликнинг барг чиқаришидан олдинми ёки кейин эканлиги, тўпгул типи қандайлиги, ўсимлик бир уйли ёки икки уйли эканлиги аниқланади. Гулни бўлакларга бўлиб, уни лупада кўрилади ва гулида гулқўргон бор йўқлигига, гулда чангчилар сонига, қандай жойлашганига эътибор берилади. Ургочи гулида нечта уругчи борлигига, у нечта мева баргидан иборатлигига, нектардони бор йўқлигига, мева хилларига, ўсимлик қандай чангланишига аҳамият берилади.

Ургочи гулининг расми чизилади.

2. Оиласинг бошқа турлари гербарийдан кўриб, таъриф берилади ва хўжалик аҳамиятлари, экологияси (тарқалиш худудлари) кўрсатилади.

3. Аниқданилган турларни систематик белгиларини ифодаланган ҳолда чизиб олинг.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Толдошлар оиласининг асосий систематик белгилари нималар?
2. Оиланинг кенг тарқалган туркум ва турлари, улар қандай экологик мұхитда кенг тарқалған?
3. Толлар ва теракларниң қандай турларининг халқ ҳұжалигида ақамияти катта?
4. Тол ва терак турларида гул, тұпгул ва мевалар тузилишидеги фарқлар нимада?

26 мавзу: СИГИРҚҮЙРУҚНАМОЛАР ҚАБИЛАСИ (SCROPHULARIALES).

ИТУЗУМДОШЛАР ОИЛАСИ (SOLANACEAE) ВАКИЛЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ.

Материаллар: Кartoшка (*Solanum tuberosum*), қора итузум (*S. nigrum*), помидори (*Lycopersicum esculentum*) томаки (*Nicotiana tabacum*), бангидевона (*Datura stramonium*) каби үсімлікларниң гербарий намуналари. Бу үсімліклар гулининг спиртде фиксиранған нағымуналари.

УМУМИЙ ТУШУНЧА:

Итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласи сигиркуйруқномалар (*Serophulariales*) қабиласига мансуб бўлиб, 90 туркум, 2900 та турга эга. Асосан ўт үсімліклири бўлиб, тропик минтақаларда эса кўпчилик вакллари илашиб (чирмашиб) ўсувчи ва оз бўлсада дараҳт вакилларига ҳам эга.

Барглари оддий, бутун ёки барг япроқлари турлича кесилган, ёнбаргчасиз, пояга кетма-кет жойлашган. Гуллари якка ёки гажаксимон тұпгулга тұпланған, асосан актиноморф баъзи ваклларида эса қисман зигаморф. Косачабарглари қўшилиб ўсан, беш тищчали, мевада сақланишиб қолади (помидор). Тожибарглари (бошоқсимон) ликопчастимон, найчасимон ёки кенгқўнгироқсимон. Найчанинг ички томонидан ўсан бешта чангчига эга. Чангдонлар эса асосан 2 уяли.

Уругчи эса синкарп бўлиб, иккита мева баргдан иборат. Тугунча устки меваси резовар ёки кусакча.

Кўпчилик вакиллари салонин захарли альколоидларга эга бўлиб, табобатда кенг құлланилади (мингдевона Atropa; бангидевона - *Datura* ва бошқалар). Баъзи-бир

вакиллари эса сабзовот экинлари сифатида катта ажамиятта эга (картошка - *Solanum tuberosum*, помидор - *Lycopersicum esculentum*, гаримдори - *Capsicum annuum*, бақдажон - *Solanum melongena* ва бошқалар) бўлиб, маданий ҳолда катта майдонларга экилади.(63, 64 расм)

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Маданий ҳолда ўстириладиган ва ёввойи ҳолда ўсувчи туркум вакилларини ўрганиш, ботаник таъриф бериш (итузум, мингевона, гарамддори ва тамаки туркум турлари мисолида).

2. Ўрганилган турларнинг ҳаёт кечириш шакллари, баргларининг шакли, жойланиси, тўпгуллари, гулларининг умумий формуласи, мевасининг хили, уларнинг ҳўжалик ажамиятлари ўрганилиб, чизиб олинади.


3. Аниқлагичлар воситасида ўрганилган ўсимликларни аниқлаш.

ИШ ТАРТИБИ:

Мисол тариқасида маданий ҳолда кўп экиладиган помидор ўсимлигини олинишимиз мумкин. Бу ўсимликнинг ватани - Перу.

Помидор ўсимлиги бир йиллик ўт ўсимлиги бўлиб бўйи 50-60 см. Илдиз системаси - ўқ илдиз. Пояси тик ўсувчи, шохланган, меванинг шаклланиш даврида эса поялари ёрга ётабошлайди, юмaloқ ёки қиррали поялари тукланган. Тўпгуллари - кўпинча гажак бўлиб, 3-20 тагача гулга эта.

Гуллари тўгри (актиноморф), косачабарглари яшил 5-10 та бўлиб, остки томондан қўшилган, мева ҳосил бўлишида улар яна ўсади. Гултожилари сариқ, 5-10 та, юқори қисми учли, қайрилган тожбаргларга эга, улар ҳам остки томондан тулашган. Андроцейлари ҳам 5-10 та чангчиларга эга, чангчи ислари 1-2 мм, чангдонлар эса йирик, чанг ислари бир-бирига зич жойлашган - найча ҳосил қиласи. Генецей эса - синкарп, тутунчаси устки, 2 ёки кўп уяли. Гул формуласи қўйидағича



Меваси гўшти резовор бўлиб, қизил ёки сариқ рангда.

Ишнинг охирида иккита хар хил туркумга мансуб бўлган (помидор ва тамаки) ўсимликлар белгиларини

таққосланг ва ёзиб олинг (барг, гул ва меваларидағи фарқлар аниқлансын).

27 мавзу: ЯЛПИЗНАМОЛАР ҚАБИЛАСИ (LAMIALES), ЛАБГУЛДОШЛАР ОИЛАСИ (LAMIACEAE)

